

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**З.М.БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

UDK_____

**Магистратура бўлими
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бўлим бошлиғи

Н.И.Асқаров

“_____” _____ 2015 йил

“ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ”

Кафедра мудири

М.Ғ.Абдуллаев

“_____” _____ 2015 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҒАРБИЙ ЕВРОПА
ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ
ТАРИХИДАН (1991-2013 йиллар)**

МАВЗУСИДАГИ

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Бажарди: Абдуллаев Ихтиёрбек Бахтиёржон ўғли

“Ўзбекистон тарихи” йўналиши магистранти

Илмий раҳбар: С.А.Ҳошимов

тарих фанлари номзоди, доцент

АНДИЖОН – 2015

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-8
I.БОБ. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.....	9-33
I.1.Мустақил Ўзбекистоннинг БМТга қабул қилиниши ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўзига хос ўрни.....	9-24
I.2. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари.....	25-33
II.БОБ. Ўзбекистон Республикаси ва Ғарбий Европа мамлакатларининг ижтимоий – иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик алоқалари.....	34-46
II.1 Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлиги.....	34-39
II.2 Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётида Ғарбий Европа мамлакатлари билан алоқаларнинг ўрни.....	40-47
III.БОБ. Ўзбекистон Республикасининг Ғарбий Европа мамлакатлари билан маданий ва илмий - техникавий ҳамкорлик алоқалари.....	48-66
III.1 Буюк Британия ҳамда Франция Республикаси билан олиб борилаётган маданий соҳадаги алоқалар.....	48-56
III.2 Ўзбекистон Республикасининг Ғарбий Европа мамлакатлари билан илмий – техникавий ҳамкорлиги.....	57-67
Хулоса	68-70
Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати.....	71-73
Иловалар.....	74-75

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, Ўзбекистон ҳукумати ўз миллий манфаатларига мос ташқи сиёсат йўлини белгилаш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш ва хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, техникавий, маданий алоқалар ўрнатишга энг долзарб вазифалардан бири деб қаради. Ўзбекистон тарихида биринчи марта ташқи сиёсат асослари ва унинг бош йўналишлари қонун йўли билан мустаҳкамланди. Ўзбекистоннинг Олий Кенгаши Баёнотида “Халқаро ҳамкорликнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашади. Унинг асосий мақсадлари мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, ўз ҳудудини қурол – яроғлардан ҳоли қилиш, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйиқ ўтказишга, энг аввало ҳарбий куч қўллашга йўл қўймаслик, инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишда давлатлар ҳамкорлиги ва халқлар бирдамлигидан иборатдир... Ўзбекистон Республикаси олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаган ҳолда барча шериклар билан бевосита тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар ҳамда шартномалар тузиш учун ўзини очик деб эълон қилади”¹, дейилган.

Президентимиз Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати истиқболини таърифлаб шундай дейдилар: “Ўзбекистон дунё учун очик, Биз ҳам дунёнинг Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётганини ҳис этмоқдамиз. Бир пайтда Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга, марказга қарам издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган ярим мустамлака мамлакат қаторига айланган эди”².

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й. – Б. 67.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992 й. – Б. 35.

“Халқаро ҳамжамиятда катта акс садо берган, 2012-йилнинг сентябр ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун асосида айнан ана шундай ёндашувлар мужассамдир.

Мазкур концепсия давлатимизнинг халқаро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб беради ва Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантикий давомидир.

“Ўзбекистон, авваламбор, мамлакатимиз ташқи сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда: турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиши ҳақида; ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида; очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принципларини аниқ-равшан баён этади.

Ўзбекистон мафкуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуроли моjarолар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.”³

Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатида бу концепсияга тўла амал қилмоқда, бу эса ташқи сиёсатни ишончли ҳамда самарали бўлишини таоминламоқда. Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон ташқи сиёсатини устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:

³ Каримов И. А. Ўзбекистон йўли – жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й. – Б. 42.

- 1) тинчилик ва ҳавфсизлик учун кураш;
- 2) умумбашарий муаммоларни ҳал этишда иштирок этиш;
- 3) халқаро вазиятларни соғломлаштириш учун кураш;
- 4) давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва янада такомиллаштириш;
- 5) ташқи сиёсатни мафкурадан ҳоли этиш асосида давлатлараро муносабатлардаги ғоявий курашдан воз кечиш;
- 6) Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлаш.

Ўзбекистон мустақиллик туфайли умумжаҳон жараёнларига қўшилиб борди. Чунки “мамлакатимизда ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган фаровон демократик давлат барпо этишдек олий мақсадга эришмоғимиз учун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлаш зарур”⁴.

Мазкур магистрлик диссертацияда Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан 1991-2013 йиллардаги илмий, маданий ҳамда иқтисодий алоқалари батафсил ёритилди. Шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик дастурлари, Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар ва юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнининг ортиб бориши ўрганилди.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро алоқалари ва 1991-2013 йиллардаги ривожланиб бориши тарихини ўрганиш.

Тадқиқотнинг предмети. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, Европа Иттифоқи мамлакатларининг Ўзбекистон иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётига таъсири ҳамда уларнинг ривожланиш тамойиллари.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасининг 1991-2013 йиллардаги Ғарбий Европа мамлакатлари билан замонавий

⁴ Каримов И. А. Мақсадимиз – тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й. – Б. 27.

иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришдаги хизматлари тизимини тарихий ривожланиш тенденцияларини, йўналишларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги.

- Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан сўнг олиб борган ташқи сиёсатининг асосий йўналишларининг такомиллашиб бориши принциплари аниқланган;
- Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқаларини бошланиши ва унинг сабабларига аниқлик киритилган;
- Мазкур жараёни Ўзбекистоннинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ривожланиши учун таъсири ва бу жараёни такомиллашиб бориши тадқиқ этилган;
- Ўзбекистон ва Ғарбий Европа давлатлари ҳамкорлигининг маданий ва коммуникацион алоқаларининг ривожланиб бориш тенденцияси ва унинг ижтимоий аҳамияти таҳлил этилган;
- Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан маносабатларини такомиллаштириш юзасидан хулосалар, тавсиялар, назрий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалар Ўзбекистоннинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан замонавий иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришдаги 1991-2013 йиллардаги хизматлари илмий тадқиқ этишга ўз хизматини қўшади. Магистрлик диссертациясида илгари сурилган хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатлари алоқаларининг такомиллаштиришда, бу соҳада янги лойиҳалар яратишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек мавжуд алоқадорлик натижаларининг илмий таҳлилларидан фойдаланиб, ҳозирда фаолият юритаётган лойиҳаларни такомиллаштириш ва янги тадқиқотлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертацияда илгари сурилган ғоялардан ЎзР ФА Тарих институтида Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш марказида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида, Халқаро муносабатлар билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятида, Республика Маънавият тарғибот марказида, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот бўйича адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Европа мамлакатлари билан замонавий иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳамкорликлари ҳақида президентимиз И.А.Каримов асарлари⁵, нутқлари, маърузалари, фармонлари ва қарорлари, ўзбек олимларидан А. Азизхўжаев⁶, Р. Ҳакимов⁷, А. Касимов, И. Васкин⁸, М. Лафасов⁹, Х. Муродов, Н. Мухаммадиев, Г. Жамолов, А.Х. Саидов каби олим ва сиёсий арбобларнинг ишларида ўз аксини топган.

Мазкур масала бўйича қуйидаги чет эллик олимлар, сиёсатчилар ва халқаро ташкилот вакиллари: М. Ю. Тихомиров¹⁰, Ф. Маёр¹¹, Л. Керен, Х. Хукҳем.

Диссертацияни ўрганиш жараёнида қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги интернет сайтларидан фойдаланилди: www.mfa.uz¹², www.un.org¹³, www.tashkent.unesco.org¹⁴, , www.gov.uz¹⁵, www.ambafrance-uz.org¹⁶.

Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, мазкур мавзу Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшили ва олиб бораётган ташқи алоқалари ҳақидалиги сабабли, юқоридаги манба ва адабиётларда фақат муаммога оид аниқ

⁵ Президентимиз И.А.Каримов асарлари асосий адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁶ Демократия халқ ҳокимияти демакдир. – Т.: “Ўзбекистон” 1996.

⁷ Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва саноат нашриёти, 2001.

⁸ "Основные направления внешней политики Республики Ўзбекистан". – Т., 1994.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалари. – Т., 1995.

¹⁰ Юридическая энциклопедия. –М.: 1998.

¹¹ Келажак хотираси. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.

¹² O'zbekiston Respublikasi Tashqi Ishlar Vazirligi veb-sahifasi

¹³ Birlashgan Millatlar Tashkiloti veb-sahifasi

¹⁴ BMTning Ta'lim, fan va madaniyat bo'yicha tashkiloti veb-sahifasi

¹⁵ O'zbekistonda Respublikasi hukumat portali.

¹⁶ O'zbekiston-Fransiya elchixonasi veb-sahifasi

маълумотлар берилган бўлиб, бу маълумотлар деярли ҳисобот сифатида берилган. Мазкур магистрлик диссертациясида Ўзбекистон Республикасининг Ғарбий Европа мамлакатлари билан 1991-2013 йиллардаги ҳамкорлик алоқалари тарихи аналитик таҳлили, тарихий хронологик тартиби, ривожланиб бориш тенденцияси ва бу ривожланишда мамлакатимизнинг ўрни илмий жиҳатдан ўрганилди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотда объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур магистрлик диссертацияси, Андижон давлат университети “Ўзбекистон тарихи” кафедрасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари режасига киради, уларнинг асосий йўналишларини ўзида акс эттиради. Шу маънода мавзунинг айнан Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини тарихий-методологик таҳлили, республикамизда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мослигини кўрсатади.

Диссертациянинг тузилиши ва таркиби. Диссертация “Кириш”, уч боб, олтита параграф, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати” ва “Илова” лардан иборат.

I.БОБ. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти

I.1. Мустақил Ўзбекистоннинг БМТга қабул қилиниши ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўзига хос ўрни

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ютуқлардан муҳими унинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олганидир. 1991-йил 31-августда Олий Кенгаш VI сессиясида қабул қилинган «Мустақиллик ҳақидаги Қонун»да Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги йўли аниқ қилиб белгиланган эди. Жумладан унда: «Халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашади, унинг мақсадлари мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, ўз ҳудудини қурол-яроқлардан холи қилиш, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйиққа йўл қўймасликдан иборат»¹⁷, - деб қайд қилинди.

Орадан маълум муддат ўтгандан сўнг 1992-йил 8-декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бу йўл яна бир бор таъкидланиб давлатимиз ташқи сиёсатининг асосий қоидалари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тинчлиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган бошқа қоидалари ва меъёрларига асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Инсон ҳуқуқлари.- Т.: Ўзбекистон, 1997, -76.

ажралиб чиқиши мумкин”¹⁸, - дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида.

Мамлакат ташқи сиёсатида доир бундай қоидалар Президент И.А.Каримовнинг нутқ, мақола ва рисолаларида янада ойдинлаштирилди. У ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» номли асарида: «Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган, кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш - давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир»¹⁹, - деб таъкидлаб ўтилган.

Ҳукуматимиз ўзининг ташқи сиёсатида мана шу кўрсатмаларга амал қилиб келди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасида тутган йўли давлатимиз бирон бир буюк давлат таъсир доирасига тушиб қолмаслиги, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик тамойилини рўёбга чиқариш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган қоидалари ва мезонларига асосланади.

1992 йил 2-мартда Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида биринчи бор жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Бу тарихий воқеа Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида халқаро ҳамжамиятдан муносиб ўрин олишида катта аҳамиятга эга бўлди. Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, Тожикистон ва Афғонистон можаролари,

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2003, -36.

¹⁹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли.- Т.: Ўзбекистон, 1993, -76.

наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди.

Ўзбекистон Президентининг асосли мулоҳазалари бу нуфузли ташкилот томонидан инобатга олиниб, 1993 йил феврал ойида Тошкентда БМТ ваколатхонаси таъсис этилиб, иш бошлади. Холид Малик БМТнинг Ўзбекистон даги вакили қилиб юборилди.

Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси республикада БМТнинг Тараққиёт Дастури, Саноат тараққиёти Дастури, қочоқлар иши бўйича вакиллари Олий Комиссари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлашиш жамғармаси, Наркотикларни назорат қилиш бўйича Дастур, Болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон 1992 йил феврал ойида дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига (ЙХХТ) аъзо бўлиб кирди. И.А.Каримовнинг 1992-йил 9-10-июлда бўлиб ўтган европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг мажлисида иштирок этиши, нутқ сўзлаши ва унинг 10-июлда бўлган мажлисига раислик қилиши Ўзбекистон нинг жаҳон ҳамжамиятига муваффақиятли кириб бораётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда тинчликсевар сиёсат ўтказиши учун кенг имкониятлар вужудга келди. 1993-йил сентабрда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48-сессиясида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг иштироки ва унда қилган маърузаси Ўзбекистонни жаҳонга кўҳна ва навқирон давлат сифатида танитди²⁰.

²⁰ Каримов И.А. Президент И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси. –Т.: Ўзбекистон, 1993.- 40 б.

Ўзбекистон жаҳондаги 105 мамлакатни бирлаштирувчи қўшилмаслик ҳаракатига қабул қилинди. Бўлғуси жаҳон Парламентининг тимсоли бўлмиш Парламентлараро Иттифоққа кирди.

Мамлакатимиз Парламентлараро Иттифоқнинг 93 ва 94-конференцияларида ҳамда ЙХХТ Парламент Ассамблеясининг ҳар йили ўтказиладиган сессиясида мунтазам қатнашмоқда. Олий Мажлис Раиси ЙХХТ Парламент Ассамблеясининг Вице-президенти этиб сайланди. Ана шу ва бошқа халқаро анжуманларда Ўзбекистон вакиллари маъруза ва ахборотлар билан чиқдилар, қатор таклифларни ўртага ташладилар. Шу тариқа республика Парламенти аъзоларининг овози халқаро майдонда баралла янграмоқда. Давлатимизнинг обрў-еътибори мустаҳкамланиб, халқаро миқёсда тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

Мустақилликнинг илк давларидаёқ Олий Мажлис Раиси Э.Х. Халиловнинг Австрия, Германия, Испания, Швейцария, Белгия, Болгария, Покистон, Туркия, Жанубий Корея ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг давлат бошлиқлари, парламент ва ваколатхоналар бошлиқлари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Олий Мажлисида ўн учта парламент делегацияси, шу жумладан ГФР, Япония, Қувайт, Литва, Латвия, Покистон, Болгария ва Туркия мамлакатларининг парламент делегациялари, Швейцария, Хитой, ГФР ва Литванинг расмий ҳукумат делегациялари, турли халқаро ташкилотларнинг ўн уч нафар вакили, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон даги элчилари ва элчихоналари ҳамда ваколатхоналари ходимларидан 28 киши, шу жумладан, Франция, ГФР, Жанубий Корея, АҚШ, Россия, Покистон, Туркия, Буюк Британия, Швеция, Ҳиндистон намояндалари қабул қилинди. Ўз навбатида Ўзбекистон парламенти аъзоларининг делегациялари бир қанча давлатларда, шу жумладан, АҚШ, ГФР, Туркия каби мамлакатларда бўлишди²¹.

²¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. - Т.: Ўзбекистон. 1995. - 65 б.

Ўзбекистон Республикаси бир қатор ихтисослашган нуфузли халқаро иқтисодий, илмий-техника ва маданий ташкилотлар - Жаҳон иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон Банки, Халқаро валюта жамғармаси, европада тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро почта иттифоқи, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро Олимпия Қўмитаси, Осиё ва Тинч океан ҳавзаси бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссия, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Божхоналар ҳамкорлиги Кенгаши, БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича Қўмитаси (ЮНЕСКО) ва бошқа ташкилотлар аъзосидир.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида кўплаб халқаро Конвенсияларга ва БМТ ҳамда ЙХХТ кабиларнинг протоколларига қўшилди. Шу йиллар мобайнида Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида, аввало, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлар билан ўзаро муносабатларини ривожлантиришга катта аҳамият берди. АҚШ, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатлар билан ўрнатилган алоқалар ўз натижаларини бера бошлади. Туркия билан абадий дўстлик шартномаси Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ўзига хос янгиликдир²².

1995 йил 15-16-сентябрда Тошкентда Марказий Осиё Хавфсизлик ва Ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар Кенгаши бўлди. Бу Кенгашда иштирок этиш учун 31 мамлакат, 6 Халқаро Ташкилотлар вакиллари қатнашдилар. Минтақа хавфсизлиги ва можароларнинг олдини олиш масалалари кўриб чиқилди²³.

1995 йил октябрда нишонланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги ва унинг юбилей сессияси Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат борасидаги янгидан янги имкониятларини кўрсатишга шароит яратди. Президент И.А.Каримовнинг ана шу мўтабар минбардан туриб сўзлаган

²² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. - Т.: Ўзбекистон. 1995.- 67 б.

²³ “Халқ сўзи” газетаси, 21 октябр, 1995 йил.

ниҳоятда қисқа ва лўнда нутқи жаҳон ҳамжамиятининг тамойилга айланган қарашларини ўзгартиришга, халқаро ташкилотлар фаолиятини янги шакл ва мазмун билан бойитишга ўзига хос таъсир кўрсатди. Жумладан, у мамлакатлараро, минтақалараро ва қитъалараро муносабатларни чуқурлаштириш, ҳар бир минтақада вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришидан олдиндан огоҳ бўлиш, уларни ўз вақтида ўрганиш ва зарур ҳулосаларга келиш, шу асосда умумбашарий муаммоларни чигаллаштирмасдан ҳал этиш масалаларини кўтарди.

И.А. Каримов асосли ва аҳамияти жиҳатидан долзарб нутқи замин ва замон тақдирига, олам-у одамлар ташвишига дахлдор бўлган ҳар бир сиёсий арбоб, ҳар бир давлат раҳбари ва айниқса, халқаро ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, уларни хушёрликка чақириш, оламга сергакроқ ва зийракроқ қараш зарурлигига диққатни қаратади.

Дарҳақиқат, XX1 аср ҳар бир давлат раҳбарининг фақат ўз мамлакати ва халқи доирасида ўйлаши каби ҳодисаларни унчалик ҳам хуш кўрмайди. Янги юз йиллик ўз табиати ва эҳтиёжига кўра энди тор «маҳаллий» доиралардан кенг дунёвий майдонга чиқишни, мамлакатнинг кундалик ташвишларига ўралашиб қолмасдан, олам минбарларидан туриб дунё кенгликларига назар ташлашни ва шу асосда умумбашарий муаммолар ҳамда халқаро масалаларни ҳал этишнинг умуминсоний ва ер куррасининг истиқболига дахлдор бўлган кенг миқёсли фикрлаш тарзини тақозо этади. Буларнинг бари янги дунёнинг ва янги юз йилликнинг жаҳон сиёсатига олиб кираётган ғоят инсонпарвар, ҳаётий ва эзгуликка таянган, дунё сиёсатининг янги маданият даражасини белгилайдиган омиллардир.

Президент Ислам Каримов дунёвий жараёнларни доимий равишда кузатади. Олис истиқболга катта умид ва ишонч билан қарайди. Айни пайтда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини, уларнинг келиб чиқиш манбаларини анча олдиндан кузатади ва уларнинг натижаларини, салбий ё ижобий ҳулосаларини кўплардан олдинроқ илғайди, олдинроқ қарорга

келади. Буларнинг бари унинг кенг қамровли тафаккур эгаси эканлигини, воқеаларга донишмандлик билан ёндашишини яққолроқ кўрсатади²⁴.

Ўзбекистон раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида кўтарган долзарб масалалари бутун жаҳон сиёсатдонлари ва улкан давлат арбобларини жиддийроқ ўйлашга, масалалар моҳиятини анча чуқурроқ англашга, янги аср остонасида туриб, юз йилликлар ортини ёрқинроқ ва равшанроқ кўришга даъват этаётгани бежиз эмас. Президент И.А.Каримов бу улкан минбардан туриб, биринчидан, давлат арбоблари ва сиёсатдонлар диққатини миллий хавфсизлик масаласини ҳозирги замон талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назардан қайтадан кўриб чиқишга қаратди. Чунки ҳозиргача Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо бўлган беш давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига кирган 187 давлат ташвишларини, уларнинг муаммолари ва тақдирини ҳал этишга қодир эмаслигини, кенг дунёнинг бир-бирига ўхшамаган, бир-бирини такрорламайдиган ва ҳатто бир-бирига зид муаммоларининг барчасини қамраб олишга кучи етмаслигини, бу кенг миқёсли ишга қодир эмаслигини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари доирасини, уларнинг фаолият майдонини кенгайтириш ва мазмунини чуқурлаштириш зарур эканлигига ҳамжамият аъзоларининг эътиборини қаратмоқда. Ана шу кенгаш аъзолигига Германия ва Япония мамлакатларини ҳам қўшиш зарурлигини айтди ва уларнинг номзодини кўрсатди²⁵.

Ҳақли савол туғилади, «нима учун айнан шу икки мамлакат аъзо бўлиши керак?» Президент И.А. Каримов буни аниқ далиллар билан асослаб берди. Жумладан, Япония фан-техника тараққиёти, жаҳон сиёсатида тутган ўрни, дунё ривожланишидаги мавқеи, ишлаб чиқариш имкониятлари ва меҳнат ресурслари жиҳатидан аллақачон XX1 асрга қадам қўйгани ва ана шундай

²⁴ Саидов А. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. - Т.: Ўзбекистон, 1994.- 23 б.

²⁵ Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи: (Миллий истиқлол даври) 3-китоб. – Т.: Шарқ, 2011.- 653 б.

илғор давлат дунё муаммоларини ҳал этишга сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қодир эканлигини кўрсатиб берди.

Германия эса, икки қарама-қарши дунё - Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикаси бирлашганидан сўнг бу мамлакат ижтимоий-сиёсий муҳотида туб сифат ўзгариши юз берганида жаҳон сиёсатида ҳам янги, ёқимли «об-ҳаво» иқлимини яратгани билан алоҳида қадрланади. Бу мамлакатдаги мавжуд юксак ишлаб чиқариш маданиятидан тортиб, улкан халқнинг улкан анъаналари, жаҳон тараққиётида тутган ўрни, тобора ошиб бораётган халқаро обрў-еътибори, дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларининг такомиллашиб боришида қўшаётган ҳиссасигача бўлган имкониятларидан келиб чиқиб баҳоланса, у айтилиши мумкин Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлиши керак эканлиги кўзга яққолроқ ташланади.

Президент И.А.Каримов кўтарган иккинчи масала Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби ваколатларини кенгайтириш, унинг жаҳон мамлакатлари тараққиётига қўшадиган ҳиссасидан келиб чиқиб, ўз мақомини кучайтириш масаласидир. Бош қотибга кўпроқ имконият берилса, унинг дунёвий муаммоларга кўпроқ аралашиб, самарали ишлашига шароит яратилади. Масалаларни ҳал этишда халқаро ташкилотлар мавқеини кучайтириш мамлакатлар ўртасида пайдо бўладиган айрим келишмовчиликларга Бош қотиб таъсирини кучайтириш, уларни умуминсоний ва умумжаҳон манфаатлари томонга буриб юборишдаги ролини оширади. Оила бошлиғи қанчалик катта имкониятга эга бўлса, моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкам бўлса, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан ваколатлари кенг бўлса, оилада барқарорлик, тинчлик, фаровонлик таъминланиши шубҳасиз. Ягона замин, ягона макон ҳаммамиз учун нажот майдони. Унинг қайсидир бурчагида тутун бурқсиши ёки қон тўкилиши бошқа бирон-бир бурчагида тинчликни қафолатлай олмаслигини чуқурроқ англаган ва ҳаммадан олдинроқ сезган Президент И.А.Каримов Бирлашган

Миллатлар Ташкилоти Бош котибига улкан дунёвий оила бошлиғига ана шундай кенг имконият бериш масаласини кўндаланг қўйди²⁶.

Учинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олти миллиарддан ортиқ аҳолининг бутун ташвишини назоратга олиши анча мураккаб иш. Бу осонлик билан кўчмайди. Бунинг учун қатор мамлакатлараро ва минтақалараро фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар мақомини бироз ўзгартириб, уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасига киритиш зарур. Ана шунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг умумий фаолият майдони янада кенгаяди, у шуғулланадиган масалалар конкретлашади.

Жойларда унга бўйсунувчи халқаро ташкилотларнинг минтақавий муаммолар ва мамлакатлараро муносабатларда юз бераётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш имконияти туғилади. БМТнинг турли минтақалардаги, жумладан, Марказий Осиёдаги ваколатхоналари имкониятларини кенгайтириш уларнинг мақомини ошириш зарурати ҳақида гапирар экан, Президент И. Каримов: «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қаерда? Америкада, Нью-Ёркда жойлашган. Ўзбекистон қаерда? Марказий Осиёда! Шунинг учун бу ердаги ташкилотнинг таркиби, албатта, кенгроқ бўлиши керак. Унга ҳали кўпроқ ҳуқуқ бериш ва иқтисодий нуқтайи назардан имкониятларини кенгайтириш керак»²⁷- дейди, Ўзбекистон телевидениеси мухбири саволларига жавоб бера туриб.

Айни пайтда турли минтақаларда, турли доираларда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар кўп. Жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, араб давлатларида Ислом Ташкилоти, Жанубий-Шарқий Осиёда Тинч океани минтақаси давлатларининг Кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

Яна бир қанча иқтисодий, ижтимоий, экологик ва ҳуқуқий доирада иш олиб бораётган халқаро ташкилотлар мавжудки, ана шуларнинг ҳаммасини

²⁶ Гаффоров Я., Холлиев А. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.-Т.: 2003.-56 б.

²⁷ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.- Т.: Ўзбекистон, 1996. 48-б.

бирлаштириб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасига киритиш, халқаро ташкилотлар ягона тизимини вужудга келтириш ХХІ аср тақдирини белгилайдиган муҳим омил эканлигини кўрсатиб берди.

Албатта, Ўзбекистон раҳбарининг БМТ фаолиятини яна ҳам жонлаштириш, унинг ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни кучайтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган амалий таклифлари ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотди. Чунки, кейинги пайтда БМТ тизимида ислохотлар ўтказиш лозимлиги ҳақида кўп гап-сўз бўлаяпти-ю, аммо бирор бир аниқ таклиф, асосли режани ҳеч ким кўтариб чиқмаган эди. Шу боисдан ҳам жаҳоннинг кўп минтақаларида юз бераётган қуроли тўқнашувларни тугатишда БМТнинг роли сезилмаяпти. Айниқса, европанинг марказидаги, Босния - Герцеговинадаги қонли фожиаларнинг узоқ давом этиши БМТнинг нуфузини анча тушириб юборди. Ана шу нуқтани назардан олганда И.А. Каримовнинг таклифлари катта аҳамият касб этди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябр ойида ўтган «Мингйиллик саммити»да давлатимиз раҳбари халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислох қилишга доир кўплаб таклифларни билдирди. Халқаро жамоатчилик эътиборини яна бир бор Орол муаммосига қаратди. Таъкидламоқ жоизки, Оролдаги вазият нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё мамлакатларининг экологик муаммосидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари «Мингйиллик саммити»да экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, ушбу хайрли ишларга халқаро ташкилот ва донор мамлакатлардан молиявий воситалар жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро дастури

ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузишни таклиф қилди²⁸.

европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999-йилги Истанбул саммитида Президент Ислон Каримов БМТ ҳузурида террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ғоясини илгари сурди. 2001-йил 28-сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида террорчиликка қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши бу ғоянинг амалий натижаси бўлди.

Ўзбекистон айти вақтда БМТнинг мавжуд 12 аксилтеррор конвенсиясига ҳамда наркотик моддалар савдосига қарши курашга оид конвенсияларига қўшилган. Бу йўналишдаги ҳамкорликнинг амалий ифодаси сифатида 2000-йил 19-20-октабр кунлари Тошкентда БМТ билан ҳамкорликда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гиёҳванд моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда умумий ёндашув» мавзуида халқаро конференция ўтказилди²⁹.

2006 йилнинг сентябрида эса Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида»ги шартномани имзоладилар.

Ўзбекистон раҳбари Ислон Каримов ғоясининг амалий натижаси бўлган бу шартнома минтақамизда тинчликни мустаҳкамлаш ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишдаги, пировардида дунёда ялпи ядровий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ғоят муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари билан турли йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг халқаро интеграцияни кучайтириш, барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлатлараро ҳамкорликни ривож-

²⁸ «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 12-сентябр

²⁹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимиз. -Т., Ўзбекистон, 2000 йил, 8-жилд, -347б.

лантиришга қаратилган ҳамда тинчликпарварликка асосланган изчил сиёсати муҳим омил бўлмоқда³⁰.

Ўзбекистон БМТнинг 15 ихтисослашган ташкилотдан бири – ЮНЕСКОга 1993 йилнинг 29 октябрида аъзо бўлди. ЮНЕСКО тарихида илк бор Марказий Осиё мамлакатлари учун махсус дастур ҳам қабул қилинди. Бу дастур Марказий Осиё тадқиқотларини ўрганиш, тиклаш ва кенг тарғиб этишни кўзда тутди.

1995 йил 6-ноябр куни Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг Амир Темур залида ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши бўлиб ўтди.

155-сессия 19-октябр куни Парижда очилган эди. Унинг асосий мавзуси «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 50 йиллиги, эсламоқ бурчи ва ҳушёрлик зарурияти - кулликдан инсон кадр-қимматининг тикланиши сари», деб белгиланган эди. Сессияда ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан қабул қилинган ЮНЕСКО фаолият дастурларининг бажарилишига оид ҳисобот маърузаси ва турли ташкилий масалалардан ташқари, дунёвий маданият равнақиға бағишланган учта ҳужжат қабул қилиниши мўлжалланган эди. Биринчи ҳужжат БМТ учун мўлжалланган дунёвий маданият ҳақидаги жамланма маъруза, иккинчиси - «Дунёвий маданият йўлида» деб номланган соҳалараро лойиҳанинг баҳоланиши ҳақида эди ва улар Париждаги йиғилишда қабул қилинди.

Учинчи ҳужжат эса Ўзбекистон томонидан таклиф қилинган «Дунёвий маданият ва ЮНЕСКОнинг аъзо мамлакатларидаги фаолияти» деб номланган қарор лойиҳаси бўлди.

Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан Ижроия Кенгаш қарорлари рўйхатига киритилган бу ҳужжат лойиҳаси 155-сессиянинг Тошкентда ўтадиган якуний йиғилишида қабул қилиниши мўлжалланган эди.

³⁰ «Ўзбекистон овози» газетаси, 2001 йил, 29 ноябр.

Сессиянинг якуний йиғилишини ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки очди. Раис сессия кун тартибига Ўзбекистон томонидан киритилган ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, унинг дунёвий маданият шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлиб қолишини таъкидлади. Шунингдек, ҳужжат муҳокамасини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи кўпчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинганини қайд этди.

Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Маёр сессиянинг якуний йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш таклифини билдиргани учун Президент Ислом Каримовга анжуман қатнашчилари ва ташкилот номидан миннатдорчилик изҳор қилди.

«Мен, - деб таъкидлади ўз сўзида Ф. Маёр, - Ўзбекистон халқи бошидан кечираётган бугунги мураккаб ўтиш даврида фан ва маданият, маънавият равнақига қўшаётган улкан хизматларингиз учун Сизга миннатдорчилик билдираман. Чунки Сиз маънавиятни тиклашдагина эмас, уни ёш авлодга сингдиришда ҳам катта хизмат қилмоқдасиз»³¹.

Ф. Маёр ЮНЕСКО фаолияти ҳақида гапириб, унинг тинчликни сақлашда фан, таълим ва маданиятни асос қилиб олгани Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсат билан ҳамоҳанг эканига эътибор қаратди. Президент Ислом Каримовнинг «Биз келажакнинг пойдеворини қўймоқдамиз»³², деган сўзларини эслади ва бунга мисол қилиб Ўзбекистонда таълим, фан ва маънавият соҳасида эришилган ютуқларни келтирди. Ўзбекистон тажрибаси дунёвий маданият шаклланишида муҳим бўғинлардан бири бўлишини қайд этди.

ЮНЕСКО бош директори ташкилотнинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медалига сазовор бўлгани билан Ислом Каримовни қутлади ва олтин медални Ўзбекистон Президентига топширди.

³¹ Халқ сўзи, 1995 йил 8 ноябрь.

³² Халқ сўзи, 1995 йил 8 ноябрь.

ЮНЕСКОнинг Ватанимизда ўтказилган нуфузли халқаро анжумани ҳам шу асосий мақсад йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Зотан, иккинчи жаҳон уруши оловининг тафти ҳали босилмаган олис 1945-йилнинг 16-ноябрида тузилган ЮНЕСКО ташкилоти ўшандан буён она сайёрамизда тинчликни сақлаш йўлида самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу йўлда ЮНЕСКОнинг асосий қуроли таълим, фан ва маданият соҳасида инсоният ақл-заковати эришган ютуқларари дунё бўйлаб ёйишдан иборат бўлди.

Табиийки, таълим, фан ва маданият ташкилоти бўлган ЮНЕСКО сессияси иштирокчиларининг аксарияти олимлардир. Улар Президент Ислом Каримов китобларини ўқиб, уни шу маҳалгача фақат назариётчи сифатида билганларини, энди Ўзбекистон билан танишиб, бу ерда ўтказилаётган ислохотлар ва уларнинг илк натижаларидан бохабар бўлиб, Ўзбекистон Президенти фақат назариётчи эмас, балки изчил амалиётчи ҳам эканлигини эътироф қиладилар.

ЮНЕСКО - Ўзбекистон маданий ҳаётида юз бераётган жараёнларнинг фаол аъзоси. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, қадимий шаҳарларимиз ва буюк аجدодларимизнинг юбилей тадбирлари бу халқаро ташкилот билан ҳамкорликда ўтказилади. Айниқса, ЮНЕСКО ташаббуси билан унинг Париждаги қараргоҳида 1994 йил Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик тавваллуд санаси, 1996 йил Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносиб нишонланишида бу ташкилотнинг хизмати катта бўлди³³. Шунингдек, 1997 йили Хоразм Маъмун Академиясининг 1000, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейлари нишонлангани бунга ёрқин мисолдир³⁴.

Ўзбекистон - БМТнинг фаол аъзоларидан. Зеро, мамлакатимиз бутун дунёда тинчликни қарор топтириш юзасидан амалга оширилаётган кўплаб

³³ Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т., Ўзбекистон. -1996 йил, -86.

³⁴ Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. –Т., 2003.- 21 б.

хайрли ишларнинг ташаббускорларидандир. Ташкилотнинг ўша пайтдаги Бош котиби Кофи Аннан 2002-йил октабрида юртимизга ташрифи чоғида Ўзбекистоннинг жаҳонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй ҳаракатларига юқори баҳо берди. Бу мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалиб бораётганининг яна бир тасдиғидир³⁵.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 2010 йил, 4-5-апрел кунлари мамлакатимизда бўлди. БМТ Бош котиби дастлаб Нукус шаҳрида Оролбўйи экологик вазиятни яхшилаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган тақдимот маросимида иштирок этди. Тақдимот маросимида минтақадаги экологик вазият ҳақида батафсил маълумот берилди.

“Минтақадаги экологик вазиятни кўздан кечириб, аҳвол ўта мураккаб эканига амин бўлдим. Бу бутун инсониятни огоҳликка чорлайди. Бу глобал муаммони минтақадаги барча давлатлар ҳамжиҳатликда ҳал этиши лозим³⁶”, - деди Пан Ги Мун.

БМТ Бош котиби Тошкентдаги Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистоннинг БМТ билан алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, ташкилотнинг ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО сингари қатор тузилмалари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга ҳизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон минтақавий ривожланишнинг кўплаб долзарб йўналишлари бўйича БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади. Оқсаройдаги учрашувда Пан Ги Мун самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, БМТ Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини алоҳида

³⁵ Р.Фармонов. Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиши ва Ғарб тажрибаси.-Т.: ТДПУ, 2004. – 29 б.

³⁶ Халқ сўзи, 2010 йил 6 апрель.

таъкидлади. БМТ Бош котиби давлатимиз раҳбарининг минтакавий ва халқаро ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этиш борасидаги изчил ва самарали ёндашувига юксак баҳо берди³⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг учрашуви якунида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао 2010 йил 9-июн куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихи минг йиллар қаъридан бошланади. Чой, пахта, ипак, қоғоз каби кундалик турмушда ҳамиша истеъмолда бўлган маҳсулотларнинг дунё бўйлаб тарқалишида Мовароуннаҳр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар муҳим ўрин тутган.

Халқаро муаммоларни ҳал этишда Хитойнинг нуқтаи назарига алоҳида эътибор берилиши БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган бу мамлакатнинг юксак сиёсий салоҳиятидан далолатдир. Иқтисодий соҳада эса Хитойнинг қудрати ҳақида унинг ўсиб бораётган ялпи ички маҳсулоти, ташқи савдо ва экспорт ҳажми бўйича этакчи ўнликка кириши аниқ тасаввур беради.

³⁷ Рахимов М.А. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии.-Т.: 2011.-34 с.

1.2. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлати сифатида географик жиҳатдан Европадан анча йироқ жойлашган бўлса ҳам, замонавий иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатлар натижасида Европага ва Европа Иттифоқига тобора „яқинлашиб“ бормоқда. Европа Иттифоқи бу ҳамкорликка тўғри баҳо берган ҳолда, айниқса, 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларидан кейин Ўзбекистонга нисбатан янги стратегик ҳамкорлик дастурлари билан жавоб бермоқда. Агар яқин келажакда Жанубий Кавказдаги республикалар Европа Иттифоқи аъзоси бўладиган бўлса, у ҳолда Каспий денгизи Европа Иттифоқининг шарқий чегарасини ташкил этади ва Марказий Осиё Европанинг бевосита қўшнисини бўлиб қолади.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё давлатларига нисбатан муносабатларининг 2001 йил 11 сентябрдан кейин қай даражада ўзгарганлигини ўрганиш жиддий эътиборга сазовордир. Бу вазифани амалга оширишда Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга нисбатан муносабатини ЎИИнинг бошқа бир минтақага нисбатан бўлган муносабати билан қиёсий ўрганиш муҳим. Бу ўринда биз жанубий Кавказ республикаларини минтақа сифатида кўзда тутмоқдамиз. Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлари қандай асосда қурилган ва ҳамкорлик қай даражада амалга ошмоқда? Европа Иттифоқи томонидан илгари ҳам бир неча маротаба Марказий Осиё минтақасига нисбатан ҳамкорлик лойиҳалари ишлаб чиқилди, лекин бу лойиҳалар тўлиқ амалга ошмади, баъзилари эса ҳатто қоғозда қолиб кетди.

Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатлари билан қандай шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳамкорлик қилмоқда? Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга нисбатан сиёсати қай даражада амалга ошмоқда? Бу сиёсат фақат иқтисодиёт можароларни бартараф этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби йўналишлар билангина чекланиб

қолма-қол тимикан? Шу нарсани таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорликни сақлаш - Европа Иттифоқини шарққа қараб кенгайтириш каби яқин келажакдаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. У ҳолда яна бир савол туғилади: Барқарорликни сақлаш зарур ва муҳим экан, нега энди шу мақсадда Кавказ давлатлари ўртасида барқарорликни сақлаш тўғрисидаги битимга ўхшаш битимларни Марказий Осиёда ҳам имзолаш мумкин эмас? Бу жуда ҳам ўринли ва мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Америка Қўшма Штатлари, Россия ва Хитой салоҳиятли ҳамкорлар сифатида ўз мавқеъига эга. Лекин Европа Иттифоқининг Марказий Осиё минтақасидаги имкониятлари чекланган деб бўлмайди.

Кавказ давлатларидан кейин бирин-кетин Марказий Осиё республикалари ҳам Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимларини имзолادилар. Ушбу битимлар Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари учун умумҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Амалда қўлланилаётган битимлар асосида эса Ҳамкорлик Кенгашлари ташкил этилди. Мазкур Ҳамкорлик Кенгашлари томонидан Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда анжуманлар ўтказилади. Марказий Осиё давлатлари Кавказ давлатларидан фарқли ўлароқ, Европа Иттифоқига нисбатан муносабатларда бир хил мақомга эга эмас. Кавказдаги барча давлатлар Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик битимини имзолаганлар, ратификация қилганлар ва мазкур битимлар кучга кирган. Бундан ташқари, Кавказ давлатлари Европа Иттифоқи кенгашида қатнашиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳамкорлик битимлари Қирғизистонда (01.07. 1999), Қозоғистонда (01.07.1999) ва Ўзбекистонда (01.07.1999) кучга кирган, лекин Туркменистонда бу ҳужжат ратификация арафасида, аммо Тожикистонда бундай битим имзоланиши ҳали таклиф этилгани йўқ.

Битимларининг асосий мақсади - сиёсий мулоқотга эришиш ва ушбу диалог ёрдамида икки томонлама сиёсий муносабатларни ўрнатиш, демократик қадриятлар ва бозор иқтисодиётини шакллантириш, бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий муносабатларни яратишдир. Битимдаги моддаларда минтақада иқтисодий от соҳасида ижобий натижаларга эришиш, конун чиқариш, молия, фуқаролик ҳуқуқи, илм-фан, технология ва маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорлик қилиш белгилаб қўйилган. Европа Иттифоқининг ташаббуси асосидаги бу ҳамкорлик дастурлари Марказий Осиёдаги сиёсий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради, ўзаро иқтисодий имкониятлар яратади ва ниҳоят Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи биргаликда кўпроқ муваффақиятларга эришади. Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар Европа Иттифоқи билан Кавказ давлатлари ўртасидаги муносабатлардан фарқ қилади. Чунки Марказий Осиё давлатлари келажакда Европа Иттифоқига аъзо бўлишга даъвогар эмас. Кавказ давлатлари эса бунга даъвогар. Шу сабабли Марказий Осиё минтақасига Кавказ давлатларига нисбатан камроқ моддий ёрдам ажратилган. Собиқ советлар Иттифоқи парчаланиб кетганидан кейин Марказий Осиёда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий „демодернизатсия“ жараёни бошланган. Минтақадаги давлатлар ҳамон ўтиш ҳолатидалар, ваҳоланки баъзи собиқ Иттифоқ давлатлари эса ривожланиш йўлига ўта олганлар. Европа Иттифоқининг ҳар бир ҳамкорлик лойиҳаси ушбу ўзига хос шартларни амалга оширишни тақозо этади.

2001 йилнинг 11 сентабридан кейин Европа Иттифоқи Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш вазифасини ўз олдига қўйганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга АҚШ мазкур минтақага нисбатан ҳавфсизликни таъминлашда „қаттиқ“ сиёсат тарафдори сифатида фаолият кўрсатаётган бўлса, Европа Иттифоқи эса ҳавфсизликни таъминлашда „юмшоқ“ сиёсат юритиш тарафдори. Европа Иттифоқининг Кавказ ва Марказий Осиёда ҳамкорлик қилиш воситаси сифатида асосан учта дастури

амал қилмоқда, яъни: TACIS („Technical Assistance to the Commonwealth of Independent States»), INOGATE („Interstate Oil and Gas Transport to Europe»), TRACECA („Transport Corridor Europe-Caucasus-Asia»). INOGATE ва TRACECA – TACIS дастурининг давоми ҳисобланади³⁸.

Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар Шарқий Европа ва Марказий Осиё учун маблағ ҳамда техник ёрдам кўрсатувчи асосий донор ҳисобланадилар. 1991 йилдан 1999 йилгача бўлган муддат ичида шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари TACIS дастури орқали 4,226 млрд. Евро миқдорида бозор иқтисодиётига ўтиш ва демократиянинг барқарор бўлиши учун ёрдам олдилар. 2000-2006 йиллар учун бу минтақага 3,138 млрд. Евро ажратилган. Бундан ташқари Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари савдо-сотиқ соҳасида яхши ҳамкор ҳисобланадилар. TACIS-дастурида барча собиқ совет иттифоқи республикалари қатнашадилар. Дастурни амалга оширишдан асосий мақсад сиёсий- иқтисодий жиҳатдан мазкур давлатларга ўтиш даврида кўмак бериш, демократик тузилмаларни барпо этишда ёрдам кўрсатиш ва ниҳоят, Марказий Осиё давлатларининг жаҳон бозорига интеграциялашувини таъминлашдир. 90-йилларнинг бошида Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари билан дунёнинг бошқа давлатлари ўртасида кўплаб юқори даражадаги расмий учрашувлар ўтказилди ва натижада кўплаб иккитомонлама муносабатлар ўрнатилди.

1995 йил декабр ойида Мадридда юқори даражадаги расмий учрашувлар ўтказилди ва аниқ сиёсий дастур ривожлантирилиши эълон қилинди. Шу орқали Европа Иттифоқи биринчи марта Марказий Осиё минтақасида ўзининг геосиёсий ва иқтисодий манфаатлари борлигини билдирди. Европа Иттифоқи учун бу минтақа ўзининг фойдали қазилмалари, Европа ва Осиёни ҳамда Узоқ Шарқни ҳам боғлайдиган таркибий қисм ва келажакда ривожланиш йўлида беқиёс имкониятларга эга бўлган, шу билан

³⁸ www.gazeta.uz // Markaziy Osiyo davlatlari va Yevropa ittifoqi munosabatlari haqida ba'zi mulohazalar (O'zbekiston misolida)

бирга халқаро уюшган жиноятчилик учун (асосан наркотрафик, қурол-яроғ ва халқаро терроризмнинг янги кўринишидаги хавф-хатар учун) катта дарвоза сифатидаги вазифасини ўзлари хоҳламаган ҳолда бажармоқда. Шунинг учун минтақада ўз манфаатларини бошқа давлатлар ҳам (Россия, АҚШ, Хитой, эрон ва Туркия) изламоқдалар. Минтақада эса Европа Иттифоқи билан янада кўпроқ соҳаларда ҳамкорлик қилиш истаклари мавжуд. Энергия ресурсларидан фойдаланиш учун ҳамкорлик илиш истаги устивор ҳисобланади. Ўзаро ҳамкорлик битимларини имзолашдан ҳам асосий мақсад мазкур муносабатларга ҳуқуқий куч беришдир.

Жоханнес Реиссер Марказий Осиё минтақасида фаолият кўрсатаётган халқаро актёрларнинг тутаётган стратегиясини қуйидагича баҳолайди: “Европанинг мазкур минтақада фаолияти учун аниқ стратегияси ва воситаси ҳам мавжуд эмас. АҚШ эса бу минтақа учун аниқ ва узоқ муддатга мўжалланган стратегиясини ишлаб чиққан ва тегишли воситага ҳам эга”.

Марказий Осиё давлатларини қўллаб-қувватлаш учун ушбу давлатларда қонун чиқариш шакллари, фуқаролик жамиятини қуриш, сайлов стандартларига риоя қилиш каби талаблар қўйилган. Алехандер Рахр фикрига кўра: “Европа Иттифоқи ўзининг янги ҳамкорларидан Ғарбий Европадагидек демократия моделини қабул қилишларига умидвор бўлиб, улардан инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлайдиган ва ратификатсия қилинган шартномага амал қилишга мажбур эътибор қилиш”.

Муаммо шундан иборатки, Марказий Осиё давлатлари билан Европа Иттифоқи ўртасида бир неча шартнома ва битимлар имзоланган, лекин уларга риоя қилинмаётганлиги текширув ва кузатувлар натижасида маълум бўлган. 1999 йил ноябр ойида Истамбулда бўлиб ўтган юқори даражадаги ЕХХТ анжуманида Ўзбекистон ва Қозғистон терроризмга қарши кескин кураш мақсадида халқаро марказ ташкил этишни ва унинг бюроси учун Тошкентни таклиф этдилар. Европа Иттифоқи давлатлари бу масалада бир қарорга келгунларича буюк давлатлардан бири бу масалада ташаббусни ўз қўлларига олишга улгурди. Ўзининг Марказий

Осиё масаласида бундай узоқ вақт бирор фикрга келиши бу минтақада АҚШ ўзининг манфаатларини таъминлайдиган стратегиясини қабул қилишига олиб келди.

Халқаро ҳамжамият (Европа Иттифоқи ҳам шу каторда) Ўзбекистон орқали ҳарбий ва гуманитар ёрдамни 2001 йил 11 сентабрдан кейин Афғонистонга йўналтиришни долзарб ва муҳим деб ҳисоблайди. Ўзбекистоннинг бу масаладаги саъйи-ҳаракатлари Европа Иттифоқи томонидан ҳам маъқулланди ва бу давлат билан алоқалар янада яхшланди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида айтилишича, Афғонистондаги ва унга қўшни давлатлардаги шароит терроризмнинг тарқалиши, бунга йўл қўймаслик учун Марказий Осиё давлатлари олдида янги вазифалар мавжуд ва биргаликда ривожланишдаги янги имкониятлар яратилган.

Испаниянинг Вазирлар кенгаши раиси Ж.Пикве ҳам Европа Иттифоқи Ўзбекистон ва Марказий Осиёга ёрдам кўрсатиш тадбирларини келажақда янада ривожлантириш лозим деган фикрда. Бу фикр Европа Комиссияси раиси муовини Сатҳерине Дай томонидан ҳам маъқулланган эди.

Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари АҚШ нинг Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларини қўллаб-қувватладилар. Бу тадбирлар орқали Европа Иттифоқи ўзининг Марказий Осиёда узоқ муддатли ҳамкорлик қилишда манфаатлари мавжудлигини билдирди.

Марказий Осиёда 2000-2006 йиллар учун ТАСИС-дастурини давом эттирилиши ҳам Европа Иттифоқининг минтақадаги ҳамкорлик муносабатларининг жиддийлигидан далолат беради³⁹.

2001 йил 11 сентабрдаги террористик ҳаракатлардан кейин Европа Иттифоқи Марказий Осиё минтақасидаги тутаётган сиёсатига ўзгаришлар киритиш керак деб топди. Германия Федератив Республикаси ушбу сиёсий

³⁹ www.gazeta.uz // Markaziy Osiyo davlatlari va Yevropa ittifoqi munosabatlari haqida ba'zi mulohazalar (O'zbekiston misolida)

Ўзгаришларда фаол қатнашди. Ислом фундаментализмининг Афғонистонда фаоллашувини, Марказий Осиё минтақасига кириб келишини Марказий Осиё давлатлари ҳам Европа Иттифоқи ҳам хоҳламаслиги -Европа Иттифоқининг ташқи сиёсатига ўзгартиришлар киритди. Марказий Осиё Европага жуғрофий жihatдан узоқ бўлсада, энди сиёсий жihatдан яқин бўлиб қолди.

Европа Иттифоқининг бошқа минтақавий етакчи давлатларга, масалан, АҚШ, Хитой, Эрон, Туркия ва Россияга нисбатан ҳамкорлик даражаси чегараланган. Лекин ЙИ минтақада кўплаб дастурларни амалга оширмакда: TACIS, Истеъмол молларини етказиб бериш, Реабилитация, Демократия, INOGATE, TRACECA, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Ядровий ва наркотик моддаларга қарши кураш дастурлари ва бошқалар.

2003 йилнинг январ ойида Европа Иттифоқи томонидан Ўзбекистоннинг минтақадаги бошқа кўшни давлатлар билан биргаликда билдирган „Европага наркотик моддаларнинг олиб кирилишига ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш" лойиҳаси қўллаб-қувватланди. Бу курашда минтақа давлатлари ўзаро ҳамкорлик қилсалар мақсадга эъришиш мумкинлиги айтилди⁴⁰.

Европа Иттифоқи Ўзбекистондан демократия, давлатчиликда қонун устиворлиги, инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлиги, мамлакатда, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омили бўлган бозор иқтисодиётига кириш ҳамда Европа инвеститсияси ва тадбиркорлари учун қулай шароит яратишни давом эттиришни хоҳлайди. Европа-Ўзбекистон ҳамкорлик кенгашида ноҳарбий ядро моллари савдоси тўғрисидаги битим имзоланди. Шу давргача Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар ҳамкорлик битими асосида олиб борилмокда эди. Ўзбекистон томонидан келажакдаги муносабатлар ушбу битим асосида давом эттириш истаги маълум қилинди.

⁴⁰ www.gazeta.uz // Markaziy Osiyo davlatlari va Yevropa ittifoqi munosabatlari haqida ba'zi mulohazalar (O'zbekiston misolida)

Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги ҳамкорлик сиёсатини ёритувчи деярли барча манбалар режавий истак-хоҳишлар ва „курук ваъдалар“ билан чегараланиб қолганлиги сабабли биз мазкур мақолани тайёрлашда баъзи бир қийинчиликларга учрадик. 2001 йилнинг 11 сентабридан кейин ҳам бу муносабатларда жуда катта ижобий ўзгаришлар бўлди деб ҳам таъкидлай олмаймиз. Европа Иттифоқи Марказий Осиё минтақасига нисбатан муносабатларидаги ўз олдига қўйган мақсадларини фақатгина 1995 йилга келиб амалга ошира бошлади. Европа Иттифоқи ўзининг сиёсий лойиҳаларини хавф-хатарни сезгандагина бажараётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Европа Иттифоқини шарқ томон кенгайтириш натижасида келажакдаги шарқий чегараларда янги хавф-хатар (наркотик моддалар савдоси, қочоқларнинг чегара атрофида кўплаб йиғилиб қолиши, Ислом фундаментализми)нинг мавжуд бўлиши. Бундан ташқари Афғонистондаги Толибон ҳаракатининг яна „жонланиши“ мумкинлиги ва бу ҳаракат қўшни Марказий Осиё давлатларига ўтиб “авж” олиши эҳтимоли Европа Иттифоқидан халқаро сиёсатда фаол бўлишни тақозо этмоқда. Шу сабабли Европа Иттифоқи Марказий Осиё минтақасига нисбатан муносабатларини янада яхшилаш, келажакдаги вужудга келиши мумкин бўлган хавфларнинг олдини олиш каби ҳавфсизлик сиёсатини кучайтирмоқда. Европа Иттифоқи Россиянинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни ва салоҳиятидан унумли фойдаланиши керак. Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги асосий манфаатларидан бири бу минтақадаги давлатчилик қурилиши жараёнини қўллаб-қувватлаш ва барқарорликни таъминлашдир. Европа Иттифоқининг минтақадаги фаолияти чекланганлиги бу минтақага бошқа халқаро актёрлар кириб келишига сабаб бўлган. Лекин шунга қарамасдан, баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, Европа Иттифоқининг минтақадаги дастурлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўзига хос равишда “бўшлиқни тўлдириб турибди”. Илмий жиҳатдан тадқиқ этилганда, Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги фаолиятига икки хил

таъриф бериш мумкин. Биринчидан, Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар Марказий Осиёга нисбатан ўзларининг муносабатларига ижобий баҳо берсалар, иккинчидан, Европа Иттифоқи ўзининг юқори даражадаги иқтисодий ва технологик имкониятлари мавжуд бўлишига қарамасдан минтақада доминантлик қила олмаяпти. Шу нарса маълумки, Европа Иттифоқи Марказий Осиё минтақасида ҳамон бир бутун актёр сифатида ҳам ҳаракат қила олмаяпти. Бугунги кунга қадар Европа Иттифоқининг минтақада дипломатик ваколатхона мақомида фаолият кўрсата оладиган ягона ваколатхонаси мавжуд эмас. Ҳозирча Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатларига нисбатан “ёпиқ”лигича қолмоқда.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқига аъзо давлатнинг Марказий Осиё мамлакатлари ичида Ўзбекистон Республикаси билан икки томонлама муносабатлари нисбатан фаол ва самарали бўлмоқда.

**II.БОБ. Ўзбекистон Республикасининг ва Ғарбий Европа
мамлакатларининг ижтимоий – иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик
алоқалари.**

**II.1 Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи мамлакатлари
билан ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлиги.**

Ўзбекистон Республикасининг мамлакатда демократик жамият асосларини мустаҳкамлаш ва халқаро майдондаги мавқеини янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсати доирасида хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли икки томонлама алоқалари тобора кенгайиб бормоқда.

Ана шундай ҳамкор ташкилотлар сирасига Европа Иттифоқини ҳам киритиш мумкин. Зеро, мамлакатимиз билан мазкур ташкилот ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ва маданий-инсонпарварлик алоқалари ҳамда минтақавий ва экологик хавфсизликни таъминлаш каби масалалар устувор йўналишлардандир. Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан муносабатларининг асоси 1992 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Европа ҳамжамятлари комиссияси (ЕХК) ўртасида Ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши орқали яратилди. 1994 йил 16 ноябрда томонлар ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди.

1996 йил апрел ойида Европа Иттифоқи Комиссари Х.Ван ден Брук Ўзбекистонга ташриф буюрди ва мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинди. 1996 йил июн ойида Европа Иттифоқининг Флоренсияда бўлиб ўтган давлат раҳбарлари даражасидаги саммити чоғида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида ўзаро сиёсий мулоқот йўлга қўйилиб, Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи алоқаларининг ҳар тамонлама ривожланишида муҳим ҳуқуқий пойдевор яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил ноябрда Белгияга амалга оширган расмий ташрифи доирасида Европа Ҳамжамиятлари Комиссари Ж.Сантер ва Европарламент раиси К.Хенш билан учрашувлар ўтказилди. 2010 йилнинг 15-16 ноябр кунлари Европа Иттифоқининг тараққиёт бўйича комиссари А.Пиебалгс расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ташриф асносида у Президент Ислом Каримов билан музокаралар ўтказди⁴¹.

2011 йил 24 январда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Брюсселга амалга оширган расмий ташрифи томонлар ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим кадам бўлди. Ташриф чоғида Европа Иттифоқи Ўзбекистон Республикаси билан турли соҳаларда тенг ва ўзаро шерикликка асосланган ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини намоиш этди. Ташриф доирасида Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Ж.М.Баррозо ва Европа Иттифоқининг энергетика бўйича комиссари Г.Еттингер билан музокаралар ўтказилди.

Музокаралар чоғида Европа Ҳамжамиятлари комиссияси раҳбари Ўзбекистоннинг дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаган иқтисодий ўсиш суръатларига алоҳида урғу берди. Шунингдек, у 2010 йил 12 ноябрда Президент Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган “мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси” Европада катта қизиқиш билан қарши олинганини қайд этди.

Европа Иттифоқи Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув манбаларидан фойдаланиш борасида прагматик ёндашув тарафдори бўлиб, манфаатдор томонларнинг сув ва энергетика масалаларида ўзаро ҳамжиҳатликда ҳамкорлик қилиш бўйича экологик мувозанатни сақлаш

⁴¹ www.gov.uz // Qo'shimcha ma'lumotlar // O'zbekiston-Yevropa Ittifoqi: o'zaro hamkorlikni jadallashtirish yo'lida

ҳамда трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланишга доир барқарор ва ошқора механизмларни ишлаб чиқишини қўллаб-қувватлайди.

Ташриф давомида Ўзбекистонда Европа Иттифоқи Делегатсиясини таъсис этиш тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда Европа Иттифоқи комиссиясининг 2011-2013 йилларга мўлжалланган техник ёрдам кўрсатиш бўйича индикатив лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Ташриф якунларига кўра айтиш мумкинки, у Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларнинг улкан салоҳиятини очишда кенг имкониятлар яратади ҳамда устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун юқори технологияларни етказиб бериш, инфратузилмани ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва илмий-техникавий алоқаларни кенгайтириш орқали Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар ва тизимли ўзгаришлар жараёнида иштирок этишга тайёр эканини кўрсатади.

Ўзаро муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси, юқорида таъкидланган икки томонлама ҳужжатлар билан бир қаторда Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда Атом энергиясидан тинч мақсадда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни ҳам ўз ичига олади. Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи муносабатларини мувофиқлаштирувчи бешта қўшма муассаса фаолият юритиб келмоқда. Яъни, Ҳамкорлик кегаш, Ҳамкорлик қўмитаси, Парламентлараро ҳамкорлик қўмитаси, Савдо ва инвестициялар бўйича ёрдамчи қўмита, Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа масалалар бўйича ёрдамчи қўмита шулар жумласидандир.

Мазкур муассасаларнинг вазифалари тегишли соҳалар бўйича муносабатларнинг амалдаги ҳолатини мунтазам равишда муҳокама қилиб

бориш, уларни янада ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва Европа Иттифоқидаги ички сиёсий вазият билан боғлиқ масалалар, Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ҳар иккала томоннинг манфаатларига мос келадиган халқаро масалалар бўйича фикр алмашишдан иборатдир. Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шериги бўлиб, мамлакатимизнинг ташқи савдо алоқаларида иккинчи ўринни эгаллайди. 2010 йил якунига кўра, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси ҳажми 1965,0 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Шу жумладан, экспорт - 547,8 миллион АҚШ доллари, импорт - 1418,0 миллион АҚШ долларидан иборат бўлади. Ўзaro товар айланмаси ҳажми 2009 йилги кўрсаткич билан қиёслаганда, 1,2 фоизга ўсди. Шу билан бирга, икки томонлама савдо-сотиқни кенгайтириш учун ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият мавжуд.

Юртимизда Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатлардан келган шериклар иштирокида 821 корхона фоалият кўрсатмоқда. Улардан 612 таси кўшма корхона бўлиб, 209 таси 100 фоизлик Европа маблағи асосида иш олиб бораётир. Ўзбекистон Европа Иттифоқи томонидан хорижий мамлакатлар учун яратилган энг кўп қулайлик тизимидан фойдаланиш имкониятига эга давлатлар қаториға киради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларға кўмаклашиш мақсадида Европа Иттифоқи 1992 йилдан буён республикаимизда Европа Ҳамжамиятлари комиссиясининг техникавий ёрдам лойиҳаларини амалға ошириб келмоқда. Ўзбекистон мазкур ҳамкорлик доирасида Европа Иттифоқининг чегаралар хавфсизлигини таъминлашға ихтисослаштирилган БОМКА, наркотик моддаларға қарши курашишға йўналтирилган КАДАП, транспорт масалалари бўйича ихтисослаштирилган ТРАСЕКА, энергетика масалалари бўйича ИНОГЕЙТ каби минтақавий дастурларида, шунингдек, таълим йўналишидаги ТЕМПУС ва илм-фан

йўналишидаги Еттинчи доиравий дастури каби ихтисослашган лойиҳаларида фаол иштирок этади.

Европа Иттифоқи ташаббуси билан 2004 йилда ташкил топган “Европа Иттифоқи - Марказий Осиё” минтақалараро мулоқоти доирасида ташқи ишлар вазирлари даражасида тўртта учрашув ўтказилди. Уларда 2007 йил 21 июнда Брюсселда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари томонидан тасдиқланган “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: янги шериклик стратегияси” (Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга оид стратегияси) номли концептуал ҳужжатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур ҳужжатнинг тақдими 2007 йил 30 июн куни Берлинда ўтказилди. Шунингдек, Париж ва Брюсселда “Европа Иттифоқи - Марказий Осиё”⁴² ташқи ишлар вазирлари даражасидаги форумлар ташкиллаштирилиб, уларда минтақалараро ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва геосиёсий аҳамияти, барқарорлиги ҳамда сўнгги йилларда эришган иқтисодий тараққиётининг юқори суръатини инобатга олган ҳолда, Европа Иттифоқи ушбу Стратегияни тўлақонли амалга оширишда мамлакатимизга минтақадаги ишончли ва узок муддатли ҳамкор сифатида қарайди.

2011-2013 йиллар мобайнида Европа Ҳамжамиятлари комиссияси юртимиз ҳамда бутун минтақага қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларни, икки томонлама савдо-сотиқ, кичик ва ўрта бизнес, энергетика, атроф-муҳит, фан ва таълим каби соҳаларни ривожлантириш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, чегаралар ва божхона хавсизлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда кўмак беришни режалаштирмоқда.

⁴² www.gov.uz // Qo'shimcha ma'lumotlar // O'zbekiston-Yevropa Ittifoqi: o'zaro hamkorlikni jadallashtirish yo'lida

2011 йил 7 апрел куни ташқи ишлар вазирлари даражасида Тошкентда ўтказиладиган “Европа Иттифоқи-Марказий Осиё” учрашуви Европа Иттифоқи ва Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақалараро сиёсий мулоқотни янада жадаллаштириш ва мустаҳкамлаш жараёнида навбатдаги муҳим қадам бўлиб хизмат қилади. Унда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича янги стратегиясининг бугунги кунгача бўлган ҳолати, минтақа давлатлари ҳамда Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг истиқболлари ва бошқа бир қатор ўзаро манфаатли долзарб масалалар муҳокама этилиши кўзда тутилмоқда.

II.2 Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётида Ғарбий Европа мамлакатлари билан алоқаларнинг ўрни.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач миллий манфаатларга мос мустақил ташқи сиёсат юритиш имкониятига эга бўлди. Республикамиз халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

“Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш - давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир”⁴³ деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов. Дарҳақиқат, ташқи сиёсат бобида мустақиллик янги саҳифа очди. Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида Марказий Осиё давлатлари ичида энг ташаббускори ва фаоли сифатида ўзини намоён қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувида Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларини йўлга қўйиш ва тобора чуқурлаштириш алоҳида ўрин тутди. 1996 йил 21 июнда Флоренция шаҳрида имзоланган Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги "Шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим", унинг 1999 йил 1 июлдан кучга киргани мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи давлатлари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий негизига айланди.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар алоқалари йилдан-йилга ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда. Бугунги кунгача республикамызда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг 145 фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитация қилинди. Европалик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 491 та корхона ишляпти, улардан 111 таси юз

⁴³ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б.45

фоизлик Европа капиталига эга. 1995-2002 йилларда Европа Иттифоқи мамлакатларининг фирма ва компаниялари республикамизда умумий киймати қарийб 8 млрд. АҚШ долларилек йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда қатнашди. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан маҳсулот айирбошлаш ҳажми 2002 йилда 1 млрд. 65,8 млн. АҚШ долларини, 2003 йилда эса 1,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди⁴⁴.

Ўзбекистон Республикасининг Ғарбий Европада улкан иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган Буюк Британия билан ўзаро манфаатли алоқалари кенгайиб бормокда.

Хусусан, Ўзбекистон-Буюк Британия муносабатларининг асоси 1993 йил ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ушбу мамлакатга буюрган ташрифи чоғида яратилган. Президентимиз Буюк Британияга ташрифи чоғида қиролича Елизавета II, бош вазир Ж.Мейжорлар билан учрашди. Сафар давомида Ўзбекистон Республикаси билан Буюк Британия қироллиги ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар тўғрисида шартнома, сармояни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим, ҳаво йўлларини очиш тўғрисида битим, икки мамлакат ҳудудида фуқароларнинг эркин юриши ҳақида меморандум имзоланди. Сафар чоғида Президентимизнинг машҳур Ротшилдлар банки ҳамда Европа тиклаш ва тараққиёт банки раҳбарлари билан учрашуви ҳам бўлди, улар билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида битимлар тузилди. Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки Ўзбекистонда олтин қазиб олиш корхоналари куриш учун 150 млн. АҚШ доллари ажратишга қарор қилди. Ташриф чоғида Ўзбекистон ва “Лонро” компанияси ўртасида имзоланган олтин бизнеси ҳақидаги битим амалий аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, Ливерпул пахта ассоциацияси

⁴⁴ Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври. - Т.: O'qituvchi, 2008.-Б.304

рахбарлари билан Ўзбекистон пахта толасини жаҳон бозорида сотиш масалалари бўйича музокаралар олиб борилди⁴⁵.

Бугунги кунда икки томонлама ҳамкорликнинг ижобий динамикаси кузатилмоқда. Мамлакатлар ўртасида мунтазам равишда турли даражадаги ташрифлар амалга оширилмоқда. Охирги бир неча йил давомида Буюк Британиянинг қиркдан зиёд делегациялари Ўзбекистонга ташриф буюрган. Томонлар ташки сиёсий маҳкамалар ўртасидаги маслаҳатлашувлар ҳамда Афғонистан бўйича мулоқотни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Комилов раҳбарлигидаги делегациянинг 2013 йил 19-22 ноябрь кунлари Буюк Британияга амалга оширган ташрифи давлатлараро алоқаларни фаоллаштиришдаги муҳим воқеа бўлди⁴⁶.

Икки давлат ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик ўзаро алоқаларнинг истиқболли йўналишларидан саналади. 2010 йил августида Ўзбекистон парламентида Буюк Британия парламенти билан ҳамкорлик бўйича Олий Мажлис гуруҳи тузилган. 2010 йил 22 сентябрида эса Олий Мажлис гуруҳи билан "Британия-Ўзбекистон" Умумпартия парламент гуруҳи ўртасида "Англашув меморандуми" имзоланди. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгаши савдо-иқтисодий муносабатларнинг самарали механизми бўлиб, унинг 20-юбилей мажлиси Лондонда 2013 йил 20-22 ноябрда бўлиб ўтди⁴⁷.

2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги савдо айланмаси 206,3 миллион долларни ташкил этиб, шундан экспорт 110,2 миллион доллар, импорт эса 96,1 миллион долларга тенг бўлди. 2013 йил январ-июль ойларида ўзаро савдо ҳажми 60,6 миллион долларни ташкил

⁴⁵ Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври. - Т.: O'qituvchi, 2008. -Б.308

⁴⁶ www.mfa.uz // Xalqaro hamkorlik // O'zbekiston va xorijiy mamlakatlar // O'zbekiston-Yevropa davlatlari

⁴⁷ www.gov.uz // Qo'shimcha ma'lumotlar // Xalqaro aloqalarning rivojlanishi.

этиб, экспорт 23,2 миллион долларга, импорт 37,4 миллион долларга тенг булди⁴⁸.

Шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлик, жумладан, таълим соҳасида ҳам изчил ривожланмокда. Тошкентда 2002 йилдан буён Халқаро Вестминстер университети фаолият юритиб келмокда, Кембридж университети билан ҳамкорликда эса пойтахтимизда Юқори технологиялар ўқув-экспериментал маркази ташкил этилмокда.

Ўзбекистоннинг Германия билан икки томонлама алоқалари кенг кўламли характерга эга бўлиб, турли жабҳаларни қамраб олган. Ҳамкорликнинг шартномавий ва ҳуқуқий базаси яратилган. Икки мамлакат ўртасида турли даражадаги сиёсий мулоқот йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг Германияга расмий (1993, 1995 ва 2001), ГФР президенти Р.Герцогнинг Ўзбекистонга давлат (1995) ва ГФР канцлери Г.Шрёдернинг расмий (2002) ташрифлари амалга оширилган. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг 11 раунди ўтказилган. Шунингдек, парламентлараро алоқалар, ҳуқуқ ва ҳавфсизлик соҳаларида ҳамда мудофаа вазирликлари йўналишида ҳамкорлик фаол ривожланмокда.

Икки мамлакат тадбиркорлари ва расмий доиралари ўртасидаги алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бормокда. 1997 йилда Ўзбекистонда 55 та Германия компанияларининг ваколатхоналари фаолият юритган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 80 тага етди. Уларнинг энг йириклари "Растр", "Гротекс" фирмалари Германиянинг "Гейделберг" фирмаси технологияси асосида ишламокда, "Наманган қоғоз" Ўзбекистон-Германия-Россия кўшма корхонаси, "Хобос ТАПО", "Хива Карпет" ва бошқалар. 2003 йилда германиялик сармоядорлар иштирокида енгил саноат, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтика саноати, транспорт ва бошқа соҳаларда ташкил этилган 138 та корхона фаолият

⁴⁸ www.mfa.uz // Xalqaro hamkorlik // O'zbekiston va xorijiy mamlakatlar // O'zbekiston-Yevropa davlatlari

кўрсатди, улардан 40 таси 100 фоизли Германия капиталига эга. Ўзбекистонга киритилаётган Германия сармоялари ҳажми 2001 йилдаёқ 1 млрд. АҚШ долларида ошди. Икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 2001 йилда 283,3 млн АҚШ долларини ташкил этди⁴⁹.

Германия Ўзбекистоннинг Европадаги асосий савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бирига айланган. 2012 йил якунларига кўра, ўзбек-герман товар айланмаси ҳажми 497,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2013 йилнинг 9 ойи давомида ушбу кўрсаткич 424,9 млн. долларга етди. Икки мамлакат ўртасидаги молиявий ва техникавий ҳамкорликнинг умумий ҳажми 313,9 млн. евродан ошган.

Ўзбекистонда немис маданияти ва тилини ўрганишга қизиқиш катта. Немис тили республикада энг кўп тарқалган чет тиллари орасида иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги пайтда олий таълим соҳасида Германиянинг 20 дан ортиқ олий ўқув юртлари билан шериклик алоқалари ўрнатилган бўлиб, талабалар, мутахассислар ва педагог кадрлар алмашинуви йўлга қўйилган. Икки томонлама маданий-гуманитар муносабатларни ривожлантиришда Тошкент ва Берлин, Самарканд ва Бремен, Бухоро ва Бонн шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли шерикларидан яна бири ҳисобланган Испания давлати билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормокда. 2003 йил январь ва 2009 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ИАКаримовнинг Испанияга расмий ташрифлари бўлиб ўтди. Испания ташки ишлар вазири М.Моратинос 2009 йил Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Испания Ташки ишлар вазири Х.М.Гарсия Маргалио таклифига кўра, 2013 йилнинг 4-7 ноябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазири бошчилигидаги делегация Испанияга ташриф буюрди. Ташриф давомида ташки ишлар вазирликлари сиёсий маслаҳатлашувлари ўтказилди .

⁴⁹ Давлат қурилиши ва бошқаруви. Муаллифлар жамоаси. - Т.: Академия, 2007.-Б.171

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида испан тили факультети фаолият юритмокда. Мазкур университетнинг Мадрид, Гранада, Алкала де Энарес ва Малага университетлари билан ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланмокда.

Ўзбекистон Италияни Европадаги узок, муддатли ва истикболли ҳамкори сифатида кўради. Ўзбекистон Республикаси Президенти ИАКаримовнинг 1996 йил июнь ва 2000 йил ноябрдаги Италияга бўлган расмий ташрифлари ўзбек-Италия алоқаларига замин яратди. 1997 йил май ойида Италия Президенти О.Скалфаронининг Ўзбекистонга жавоб ташрифи уюштирилди. Ташки ишлар вазирликлари ўртасида доимий мулоқот олиб борилмокда. 2010 йил октябрь ойида Римда ташки ишлар вазирлари даражасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг тўртинчи раунди бўлиб ўтди.

2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида "Ўзбекистон-Италия" парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи ташкил этилган. Италия парламентининг Депутатлар палатасида эса "Италия-Ўзбекистон" дўстлик жамияти фаолият юритмокда.

2012 йил июнь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Италия парламентининг Депутатлар палатаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди⁵⁰.

2012 йил март ойида Ўзбекистон ва Италия ўртасида 2012-2015-йиллар учун мўлжалланган "Маданий ҳамкорлик дастури" тузилди. Унинг доирасида университет ва мактаб таълими, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик кўзда тутилган. 2009 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолият юритиб келмокда.

2013 йил январь ойида Самарканд шаҳри ҳокимияти ва Флоренция провинцияси маъмурияти ўртасида "Дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси" имзоланган.

⁵⁰ www.mfa.uz // Xalqaro hamkorlik // O'zbekiston va xorijiy mamlakatlar // O'zbekiston-Yevropa davlatlari

Франция Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим шерикларидан бири ҳисобланади. 1993 йил 28-30 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Францияга қилган ташрифи чоғида мамлакатимиз раҳбарининг Париж Хартиясини имзолаши икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларга асос солганди.

Ўзбекистон Миллий банки билан Франциядаги йирик "Кредит Коммерсиан де Франц" банки ўртасида битим имзоланди, унда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуриш лойиҳасини пул билан таъминлаш кўзда тутилди. Таниқли "Элфакитен" нефт-кимё концерни, "Технип" фирмаси ва бошқа компаниялар билан Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига келишилди. Натижада ушбу завод 1997 йил 22 августда ишга тушди. Бугунги кунда корхона бензин, керосин, суюлтирилган газ, дизель ёқилғиси каби маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Завод қурилиши жараёнида 262 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди⁵¹.

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ алоқалари янада ривожланиб бормокда. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комиловнинг 2012 йил октябрида Парижга ва Франция ташқи ишлар вазири Л.Фабиуснинг 2013 йил мартда Ўзбекистонга ташрифлари икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилди. Томонлар ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг 8 раунди ўтказилган. Охирги раунд 2013 йилнинг март ойида Тошкентда бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 2008 йилдан, Қонунчилик палатасида эса 2010 йилдан бошлаб парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатмокда.

Франция Сенатида «Ўзбекистон -Ўрта Осиё» дўстлик гуруҳи, Миллий ассамблеяда эса «Франция-Ўзбекистон» дўстлик гуруҳлари фаолият олиб бормокда.

⁵¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Т.: Шарқ, 2000.-Б.252

2008 йил июнда Ўзбекистон Омбудсмани ва Франция Ҳуқуқ Ҳимоячиси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

2012 йил якунларига кўра, ўзбек-француз товар айланмаси ҳажми 277,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2013 йилнинг 9 ойи давомида ушбу кўрсаткич 254,3 млн. долларга етди⁵².

Францияда «Темурийлар даври санъати ва тарихини ўрганиш» ҳамда «Авиценна-Франция» ассоциациялари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Самарқанд ва Лион, Хива ва Версаль, Бухоро ва Руей-Малмезон шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилди.

Ўзбекистоннинг Финландия, Австрия, Белгия, Швейцария, Греция, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Хорватия, Болгария каби Европа мамлакатлари билан сиёсий, дипломатик иқтисодий ва маданий алоқалари ўрнатилган ва кенгайиб бормоқда. Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Бу маскан бугунги кунда савдо уйигина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳонда бизнес ва савдо маркази ҳисобланадиган мамлакат - Швейцариядаги ваколатхонасига айланди. 1995 йил октябрда Женевада "Ўзбекистонда хусусийлаштириш: ҳамкорлик учун имкониятлар", ноябрь ойида Лондонда ўтган "Ўзбекистонда бизнес" мавзуларидаги конференцияларда иқтисодий ислохотларнинг хусусиятлари муҳокама қилинди. Штутгартда бўлиб ўтган "Буюк ипак йўли мероси: Ўзбекистон" кўргазмаси Ўзбекистоннинг ақл-зиё соҳасида жаҳонда тутган ўрнига ва салоҳиятига берилган катта баҳо бўлди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон тарихий жиҳатдан қисқа бир даврда ўзининг тинчликсевар, яхши кўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунё, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйди. Бугунги кунда бу алоқалар янада кенгайиб, ривожланиб бормоқда.

⁵² www.mfa.uz // Xalqaro hamkorlik // O'zbekiston va xorijiy mamlakatlar // O'zbekiston-Yevropa davlatlari

III.БОБ. Ўзбекистон Республикасининг Ғарбий Европа мамлакатлари билан маданий ва илмий - техникавий ҳамкорлик алоқалари

III.1 Буюк Британия ҳамда Франция Республикаси билан олиб борилаётган маданий соҳадаги ўзаро алоқалар

Ўзбекистон Республикаси билан Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик 1993 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Буюк Британияга қилган ташрифи чоғида имзоланган «Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида», «Капитал қўйилмалар сарфланишини рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳақида» ҳамда «Икки ёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик тўғрисида»ги шартномаларга асосланади.

1996 йил якунларига кўра Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айланмаси ҳажми бўйича 2-ўринда туради (Германиядан кейин). Ўзбекистондан Буюк Британияга пахта толаси, қимматбаҳо тошлар, қора металллар, вольфрам ва улардан ясалган буюмлар юборилса, Буюк Британиядан механик ва электр асбоб-ускуналар, қанд-шакар ва қандолат маҳсулотлари, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, минерал ёқилғи, фармацевтика маҳсулотлари, шу жумладан дори-дармон, қоғоз ва картон, мебель, оптик приборлар ва аппаратлар, тамаки, сут маҳсулотлари, кимёвий бирикмалар, ноорганик кимё маҳсулотлари келтирилади. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда жаҳон пахта савдоси меъёрлари ва қоидаларини мувофиқлаштириб турадиган муҳим ноҳукумат ташкилоти бўлган Ливерпул пахта уюшмасига аъзо бўлди. Ўзбекистон шу уюшма билан биргаликда мамлакатимизда пахтани сертификациялашнинг халқаро тизимини жорий этиш бўйича иш олиб борди. Кейинги йилларда иккала мамлакатнинг турли даражалардаги делегациялари ўзаро ташрифлари натижасида ҳамкорлик тобора яхшилана борди. 1994 йил 14 октябрда Лондондаги металллар бозори уюшмаси Зарафшон аффинаж (олтин тозалаш)

заводига энг мақбул олтин қуймалар мақомини тасдиқловчи сертификат берди, бу эса Ўзбекистоннинг тамғаси бутун дунёда энг юқори сифат белгиси эканини билдиради. 1996 йил октябрда эса мазкур уюшма хузурида юқори сифатли кумуш қуймалар ишлаб чиқарувчи Олмалик кон-металлургия комбинати ваколатхонаси расмийлаштирилди.

1997 йил 4 – 12 октябр кунлари Тошкентда «Британия фестивали» ўтказилди. Фестиваль дастури доирасида Буюк Британиянинг 30 га яқин компанияси маҳсулотлари кўргазмаси, «Британия қироллари хонадони мероси» кўргазмаси, тўқимачилик машина ускуналари ва меъморликка бағишланган семинар ўтказилди, Буюк Британия фильмлари намойиш қилинди. Ўзбекистон – Британия савдо ва саноат кенгашининг мажлислари мунтазам равишда ўтказилиб турибди. Бу мажлисларда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари, савдо-сотиқ, иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни кучайтириш истикболлари муҳокама қилинади.

Айрим йирик фирма, компания ва банклар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ривожланган. «Бритиш Эйрвейз» компанияси билан тузилган шартномага биноан 1992 йил 31 декабрдан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компаниясининг самолётлари ҳафтасига 4 марта Лондонга қатнаб турибди⁵³.

1994 йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компанияси Буюк Британия транспорт департаменти билан келишиб, Тошкент – Манчестер – Тошкент ўртасида мунтазам рейслар бажариш ҳуқуқини олди. «Ўзёғмойтамакисаноат» уюшмаси хорижий сармоя ёрдамида ўз корхоналарини янгилаб ва таъмирлаб, жаҳон андозалари даражасига етказиш мақсадида «Краун» компанияси билан шартнома тузди. Шартномага биноан Қўқон ёғ-мой комбинатини инглиз сармояси ҳисобига қайта қуриб, асбоб-ускуналарини замонавийлаштиришга киришилди.

⁵³Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси – 2-жилд.Т.: ЎМЭ, 2000.-Б.317

Ўзбекистонда тамаки саноатини ривожлантириш учун тамаки барги етиштириш, уни қайта ишлаш ва сигарета ишлаб чиқариш бўйича “British American Tobacco” компанияси билан қўшма корхона барпо этиш тўғрисидаги битимга мувофиқ 232 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланди. Бу маблағ асосан Тошкент тамаки фабрикасини, Ургут тамаки ферментацияси фабрикасини реконструкциялаш ва модернизациялашга, Самарканд тамаки фабрикасини қуришга, ижтимоий тадбирларга ва мутахассислар тайёрлашга ишлатилди. Тошкент тамаки фабрикасида «Саратов» ва «Хон» сигареталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган⁵⁴.

1996 йил охирида Сурхондарё вилоятининг Хандиз конида рангли металлларни қидириш ҳақида дастлабки битим имзоланди. Битимга кўра, Буюк Британия фирмаси йил давомида ўз маблағи ҳисобидан конни узил-кесил ўрганиши, рангли металлларни комплекс қазиб олишни ташкил этишга оид техникавий-иқтисодий асосламаларни тайёрлаши, сўнгра тахм. 100 – 150 млн. АҚШ доллари қийматига эга бўлган лойиҳа асосида қўрғошин, рух, мис, кумуш қазиб чиқарадиган қўшма корхона барпо этилди.

1997 йилнинг 10 июлида Буюк Британиянинг мазкур корпорацияси билан Навоий вилоятидаги Аристантов ва Балпантов конларини ўрганиб, аниқлаш тўғрисида ҳам дастлабки битим имзоланди. Ўзбекистон ғарбий қисмида геологик маълумотларни биргаликда ўрганиш борасида ҳам ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «Мереди Жонс» компанияси билан пахта селекцияси, уни етиштириш ва қайта ишлашнинг илғор усуллари асосида ишлайдиган агро-фирма барпо этиш режаси мавжуд. Фарғона вилояти Ёзёвон туманининг хўжалигини ўз ичига оладиган бу фирма пахта ҳосилдорлигини кўпайтиришга, тола сифатини оширишга ва тупроқ унумдорлигини яхшилашга олиб бориши лозим.

⁵⁴ Ўша манба.-Б.318

«Ўзбектелеком» концерни «Женерал Пласси Телекоммуникейшнз» («ЖиПиТи») компанияси билан биргаликда Тошкент учун замонавий рақамли алоқани ташкил этувчи «Бузтон» қўшма корхонасини барпо қилди. Бу лойиҳа муассислар маблағи, шунингдек экспорт кредитларни кафолатлаш департаментга суғуртаси асосида олинган кредит ҳисобидан таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Буюк Британиянинг 5 та банки билан ва хорижий банкларнинг Лондондаги 11 та бўлими билан вакиллик муносабатлари ўрнатди. «Барклайз Банк» тижорат тўловлари бўйича асосий вакил ҳисобланади. Навоий вилоятидаги олтин конини ўзлаштириш бўйича «Ньюмонт-Зарафшон» лойиҳаси амалга оширилиши Миллий банк билан «Барклайз Банк» қўшма фаолиятининг йўналишларидан бири бўлди. «Барклайз Банк» 161 млн. француз франки (салкам 32 млн. АҚШ доллари миқдоридаги) кредитни «Сосьете Женераль» банки билан биргаликда янги «Метрополь» меҳмонхонаси қурилиши учун 10 йил муддатга, иккинчи кредитни 1,7 млн. АҚШ доллари миқдорида Тошкент тўқимачилик комбинатига Буюк Британиянинг «Кросрол» фирмаси юборадиган асбоб-ускуналар ҳақини тўлаш учун берди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг капитал қурилиш бош бошқармаси билан биргаликда дипломатия корпуси ходимлари, хорижий фирмаларнинг вакиллари яшайдиган 22 та 2 қаватли кotteж қуришни мўлжаллаган. Бу ерда кичик супермаркет, кафе, бар, 2 та теннис корти бапо этилди⁵⁵.

Ўзбекистон Республикасида Буюк Британия сармояси иштирокидаги 115 та корхона мавжуд, шундан 34 тасида инглиз капитали 100% ни ташкил этади. Буюк Британиянинг 36 та фирмаси ваколатхонаси расмийлаштирилган

Ўзбекистон Республикасининг Европада катта иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган Франция Республикаси билан ўзаро манфаатли алоқалари кенгайиб бормокда.

⁵⁵ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси – 2-жилд. Т.: ЎМЭ, 2000.-Б.318

Хусусан, икки томонлама алоқалар ривожланишининг тамал тошлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йил 28 – 30 октябрь кунлари Францияга давлат ташрифи пайтида қўйилди.

Президент И. Каримов Франция Президенти Ф. Миттеран, Франциянинг бошқа раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан дўстона суҳбат ва самарали музокаралар юритди. Ф. Миттеран қабул маросимида нутқ сўзлаб: “Ҳозирги сиёсий вазиятда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон Шарқ билан Ғарб ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкин. Кўп асрлик тарих теран анъаналарга эга бўлган, инсониятни фахрига айланган алломаларни етказиб берган Ўзбекистон доимо французларнинг диққатини тортиб келган. Бу ташрифдан кейин шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатингиз биз учун янада яқин бўлиб қолди”⁵⁶, деб таъкидлади. Бу Ватанимиз тўғрисида, унинг шон –шухратини улуғловчи холисона, олийжаноблик билан берилган баҳодир. Сафар натижасида Парижда Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида “Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида” шартнома, маданият, илмий – техникавий ҳамда маориф соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим имзолади.

Мамлакатимиз раҳбарининг Париж Хартиясини имзолаши Республикамизда демократиянинг янада ривожланиши, шунингдек, Ўзбекистоннинг Европа бошқа тараққий этган мамлакатлар билан янада яқинлашуви учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шундан сўнг 1994 йил апрелда Франциянинг собиқ президенти Ф. Миттеран энг ривожланган етти давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб, Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи билан келди. Президент Ислом Каримовнинг Францияга 1996 йил апрелдаги иккинчи ташрифи ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Франция

⁵⁶ Халқ сўзи // 1993 йил 1 ноябрь

президенти Жак Ширакнинг 1996 йил июнда Флоренцияда Европа Иттифоқи раҳбарларининг саммитидаги, 2002 йил давлат раҳбарларининг НАТОга аъзо давлатлар раҳбарларининг Прагадаги саммитида учрашувлари икки томонлама алоқаларни янги даражага кўтариш имкониятини берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1996 йил 21-24 апрелдаги иккинчи ташрифи икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтарди. И. Каримовнинг Франция Республикаси Президенти Ж. Ширак билан учрашуви чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Ушбу ташриф давомида Президентимиз ЮНЕСКО қароргоҳида ташкил қилинган «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг ривожи» мавзусидаги кўргазмада иштирок этди⁵⁷. Бу учрашувлар чоғида имзоланган турли шартнома ва конвенциялар ҳамда турли молиявий протоколлар икки давлат ўртасидаги иқтисодий, илмий, маданий алоқаларни кенгайтиришга замин яратди.

Ўзбекистон ва Франция ўртасида ўзаро товар айланмаси 2003 йилда 72,3 млн. АКШ доллари, шундан экспорт 24 млн., импорт 48,3 млн. долларни ташкил этди. Экспортда пахта толаси 74,4%, тўқимачилик маҳсулотлари 13,4%, кимё маҳсулотлари 8,8%, агросаноат мажмуаси маҳсулотлари 2,9%ни, импортда эса электроника ва электр ускуналар 26,2%, кимё маҳсулотлари 23,3%, механика ускуналари 13,7%, фармацевтика ва парфюмерия маҳсулотлари 13,6%, маиший техника 7,9%, транспорт воситалари 5,5%, озиқ-овқат маҳсулотлари 3,6%ни ташкил этди⁵⁸.

2003 йилда Ўзбекистонда Франциянинг 14 компанияси (жумладан: “Элф – актен” нефт – кимё консерни, “Технип” фирмаси ва бошқалар) ва икки банки (“Креди Коммерсиаль де Франс” ва “Сосиете Женераль”)

⁵⁷ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.9. -Т.: “ЎМЭ”, 2005.-Б.322

⁵⁸ Ўша жойда –Б.323

ишлади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда 15 қўшма корхона, 100% француз сармояси билан икки корхона фаолият олиб боради. 2004 йилнинг 14 -16 январиди Ўзбекистон ва Франция савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳукуматлараро комиссиясининг 2-мажлиси бўлиб ўтди. Икки давлат ҳамкорлиги режаларига мувофиқ, «Сосиете Женераль» банкининг кредит ҳисобига «Бухоро вилоятида сув таъминотини яхшилаш» дастури (8,1 млн. АҚШ доллари) амалга оширилади ва 2 та «Боинг 767-300 ЕК» самолёти (187,9 млн. АҚШ доллари) сотиб олинди⁵⁹.

Ўзбекистон Миллий банки билан Франциядаги йирик "Кредит Коммерсиан де Франц" банки ўртасида битим имзоланди, унда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуриш лойиҳасини пул билан таъминлаш кўзда тутилди. Таниқли "Элфакитен" нефт-кимё концерни, "Технип" фирмаси ва бошқа компаниялар билан Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига келишилди. Натижада ушбу завод 1997 йил 22 августда ишга тушди. Бугунги кунда корхона бензин, керосин, суюлтирилган газ, дизель ёқилғиси каби маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Завод қурилиши жараёнида 262 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди⁶⁰.

Давлатлараро муносабатларни элчихоналар, ваколатхоналар, консулхоналар фаолиятисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу борада Ўзбекистон – Франция ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ривожиди икки давлатда фаолият кўрсатаётган элчихоналарнинг роли бекиёсдир. Парижда Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси 1994 йил очилган бўлиб, унда бугунни кунга қадар қуйидаги шахслар Ўзбекистоннинг Франциядаги элчиси сифатида фаолият кўрсатдилар: Акмал Саидов (1994-1996 йй.), Тоҳир Мамажонов (1997-2003 йй.), Хамидулла Кароматов (2003-2006 йй.), Равшан Алимов (2006-2009 йй.), Баҳромжон Аълоев (2009-2012 йй.), ҳозирда Равшан Усмонов фаолият олиб бормоқда.

⁵⁹ Юқорида кўрсатилган манба –Б.324

⁶⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Т.: "Шарқ", 2000.-Б.252

Тошкент шаҳрида Францияда Ўзбекистондаги элчихонаси 1992 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Элчихонада Жан-Поль Везиан (1992-1995 йй.), Жан-Клод Ришар (1995-2000 йй.), Жак-Андрей Костий (2000-2004 йй.), Жан-Бернар Арт (2004-2007 йй.), Хюг Перне (2007-2010 йй.), Франсуа Готье (2010-2013 йй.), 2013 йилдан Жак-Анри Олс Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси бўлиб фаолият юритдилар⁶¹.

2008 йил июнда Ўзбекистон Омбудсмани ва Франция Ҳуқуқ Ҳимоячиси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Франсуа Готе 2010 йил 10-феврал куни Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди. Учрашувда икки давлат алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Статистик маълумотларга қараганда, 2011-йилда Ўзбекистон ва Франция ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 354 млн долларни ташкил қилган. Бу 2010-йилги кўрсаткичга нисбатан икки баробардан кўп.

Учрашувда Ўзбекистон ва Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан режалаштирилган тадбирларга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди⁶².

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ алоқалари янада ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комиловнинг 2012 йил октябрида Парижга ва Франция ташқи ишлар вазири Л.Фабиуснинг 2013 йил мартда Ўзбекистонга ташрифлари икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилди. Томонлар ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг 8 раунди ўтказилган. Охирги раунд 2013 йилнинг март ойида Тошкентда бўлиб ўтди.

⁶¹ http://www.ambafrance-uz.org/Fransiya_va_O'zbekiston_o'rtasidagi_munosabatlar_tarixi

⁶² <http://www.gazeta.uz/uz/2012/02/13/fransiya/>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 2008 йилдан, Қонунчилик палатасида эса 2010 йилдан бошлаб парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Франция Сенатида «Ўзбекистон -Ўрта Осиё» дўстлик гуруҳи, Миллий ассамблеяда эса «Франция-Ўзбекистон» дўстлик гуруҳлари фаолият олиб бормоқда.

Францияда «Темурийлар даври санъати ва тарихини ўрганиш» ҳамда «Авиценна-Франция» ассоциациялари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Самарқанд ва Лион, Хива ва Версаль, Бухоро ва Руей-Малмезон шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилди. Франция илмий тадқиқотлар маркази бир қатор соҳаларда, хусусан, чорвачилик, виночилик, нодир металллар, ўсимликлар асосидаги янги дори-дармонлар, нефть ва газ маҳсулотлари ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ўрнатиш имкониятларини ўрганмоқда. Тошкент техника университети билан Париж университети ўртасидаги ҳамкорлик ҳақидаги шартнома коинотдан олинадиган агросуратларни ўрганувчи ўзбек-француз илмий марказига асос бўлди.

III.2 Ўзбекистон Республикасининг Ғарбий Европа мамлакатлари билан илмий – техникавий ҳамкорлиги

Германия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида расмий муносабатлар 1992 йилдан бошланган бўлса ҳам, икки давлат ўртасидаги алоқалар узоқ даврга бориб тақалади. XX аср бошларида ўзбек чеварлари орасида немисларнинг «Зингер» тикув машинаси ниҳоятда машҳур бўлган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, икки мамлакат ўртасида тенг ҳуқуқли муносабат ўрнатилди. Ўзбекистоннинг Ғарбий Европадаги биринчи элчихонаси 1993 йил Бонн шаҳрида очилди. Ўша пайтданок ўзаро алоқалар, делегацияларнинг ташрифлари йўлга қўйилди. Германия Федерал иқтисодий ҳамкорлик вазирининг 1992 йил августда Германиядаги расмий ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун асос яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1993 йил апрелда Германияга қилган ташрифи⁶³ ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларга муҳим омил бахш этган бурилиш воқеаси бўлди. Ушбу ташриф якунида имзоланган «Капитал қўйилмаларни амалга оширишга кўмаклашиш ва уларни ўзаро ҳимоялаш тўғрисида» шартнома, «Илмий тадқиқот ва мутахассислар жамғармасини вужудга келтириш» ҳамда «Маданий ҳамкорлик» тўғрисида битимлар икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди.

Ҳамкорлик дастурларини мувофиқлаштириш ва тезроқ амалга ошириш мақсадида 1993 йил Германияда идоралараро комиссия ҳамда 1995 йил май ойида Ўзбекистон – Германия доимий ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур комиссия ва гуруҳ мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб, инвестицияларни кафолатлаш ва суғурталаш, лойиҳаларни молиялаш, хусусийлаштиришга кўмаклашиш, қимматли қоғозлар бозорини вужудга келтириш каби муҳим масалаларни ҳал қилиб келмоқда. 1993 йил Тошкентда Германия техникавий

⁶³ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-жилд.Т.: ЎМЭ, 2000.-Б.662

хамкорлик жамиятининг ваколатхонаси очилди. Жамият фаолияти туфайли бозор иқтисодиётига оид семинар ва ўқув курслари ўтказиш йўли билан мутахассислар тайёрлаш, иқтисодий қонунчилик, хусусийлаштириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар йўловчи транспортига доир қонун ва низомлар ишлаб чиқиш, «Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш» тадбирлари бўйича маслаҳатлар бериш дастури амалга оширилди.

1994 йилда Германия савдо-саноат палаталари бирлашмаси Тошкентда Германия иқтисодиёти вакили бюросини очди. Унинг асосий вазифаси ўзбек ва немис ишбилармонларини ахборот билан таъминлашдан иборат. Ўша йилнинг июнида Тошкентда К. Аденауэр жамғармасининг ваколатхонаси очилди. Ганновер халқаро ярмаркаси ишлаб турган даврда (1994 йил апрель) ўтказилган «Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари»⁶⁴ ГФР жамоатчилиги ва ишбилармонларини ғоят қизиқтирди.

ГФР Президентининг 1995 йил 11 – 13 апрелда Тошкентга қилган ташрифи давомида иккала мамлакатнинг ишбилармонлари иштирокида кўшма бизнес-семинар ўтказилди. Кейинги йилларда Ўзбекистон банклари, Фанлар академияси ва турли вазирликлари ҳамда муассасалари ходимлари учун амалий машғулотлар, конференциялар ва фойдали учрашувлар бўлиб ўтди. 1995 йилда Штутгарт шаҳридаги Линден музейида «Ўзбекистон. Буюк Ипак йўли мероси» мавзусида очилган кўргазма Ўзбекистон – Германия ҳамкорлигини ривожлантиришда сезиларли воқеа бўлди. 1996 йил 18-19 июнда «Германия-Марказий Осиё» жамияти, «Дойче Банк», Франкфурт-Майн магистрата ва Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчихонаси ташаббуси билан Франкфурт шаҳрида «Германияда Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари» халқаро анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Германиянинг «АКА», «КФВ», «Берлинер Банк» ва «Дойче Банк» каби

⁶⁴ Ўша жойда. -Б.663

банклари билан ўнга яқин битимлари тузган. Шу битимлар асосида камида 778,7 млн. немис маркаси микдорида турли лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Германияга 2001 йилнинг 2–5 апрель кунлари қилган ташрифи икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларида сифат жиҳатидан янги давр бошланганини билдирди. Ташриф давомида молия, сайёҳлик, фан-техника, наркотиклар контрабандасига қарши кураш каби соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутувчи ўн тўртта ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг маълумотларига кўра, 1997 йилда мамлакатимизнинг дунё мамлакатлари билан ташқи савдо ҳажмлари бўйича Германия 4-ўринни (Россия, Корея Республикаси, Швейцариядан кейин), Европа мамлакатлари орасида эса 2-ўринни (Швейцариядан кейин) эгаллади. 2000 йилда ўзаро савдо ҳажми 291,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди⁶⁵.

Ўзбекистондан Германияга пахта толаси, мис ва ундан ясалган буюмлар, бошқа рангли металллар етказиб берилади ва турли хизматлар кўрсатилади. Германиядан Ўзбекистон Республикаси га асбоб-ускуна, балиқ маҳсулотлари, қанд-шакар ва қандолат маҳсулотлари, буғдой уни, кимёвий маҳсулотлар, қора металл ва ундан тайёрланган буюмлар, транспорт воситалари, сарёғ ва ўсимлик ёғи, оптик асбоб ва аппаратлар, сут маҳсулотлари, қоғоз ва картон, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, учиш аппаратлари ва бошқалар етказиб берилади ва турли хизматлар кўрсатилади. Енгил саноат, пахта ва унинг чиқитларини қайта ишлаш, тиббиёт ва фармацевтика препаратлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юк ва йўловчи ташиш, автосервис, илмий ишланмалар, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда бир нечта қўшма корхона фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар

⁶⁵ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-жилд.Т.: ЎМЭ, 2000.-Б.663

вазирлиги хузурида Германиянинг 40 та фирма ва компанияси ваколатхоналари расмийлаштирилган. Улар каторида «Даймлер Бенц», «Сименс», «Алкатель», «Тиссен», «Люфтганза», «БАСФ», «Саламандер» каби жаҳонга машҳур фирмалар бор.

«Ландтехник-Ташкент», «Чирком», «Уз-Винклер», «Грассо», «ТашВирт», «Интермед Экосан», «Намбум» ва бошқа кўшма корхоналар қишлоқ хўжалиги ускуналари тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги машиналари ва йўл техникалари, телефон тармоқларига хизмат кўрсатиш, новвойчилик ускуналарини олиб келиш ва уларни монтаж қилиш, тиббий дориларни етказиб бериш, гўшт-ёғ маҳсулотлари ва қоғоз ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистон – Германия муносабатларида Тошкент ва Берлин шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Икки давлат пойтахтларининг ҳамкорлиги фақат иқтисодий соҳани эмас, ижтимоий-маданий соҳаларни ҳам кенг қамраб олган. Германия пойтахти Бонндан Берлинга кўчирилгач, 2001 йил 3 апрелда Берлинда Ўзбекистон элчихонасининг янги биноси очилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов қатнашди.

Икки томонлама муносабатларда маданият, санъат, фан, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам катта аҳамиятга эга. Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида Берлин, Потсдам, Дортмунд, Бонн, Штутгарт, Гамбург, Мюнхен, Ганновер, Висбаден шаҳарларида Ўзбекистоннинг мусиқа, тасвирий ва театр санъати кенг намойиш этилганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Мамлакатимиз театр ва кино усталари Тюбинг, Берлин, Котбус, Манхайм, Мюльхаймда ўтказилган фестивалларда ҳам фаол иштирок этишди. Ўз навбатида республикамызда ҳам Германия маданияти кунлари муваффақиятли ўтди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг ривожига К. Аденауэр, Ф. Эберт жамғармалари, Гёте номидаги институт, Германия олий ўқув юртлари, университетлари ректорлари конференцияси, «Дойче Велле»

телекомпанияси, «Германия-Ўзбекистон» дўстлик жамияти, «ЭПОГ» Берлин жамоат-маданий бирлашмаси катта ҳисса қўшмоқдалар. Аденауэр жамғармаси кўмагида Сант-Аугустин шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзусида илмий конференция, «Орол экологик фожиасининг миллий ва халқаро аспекти» симпозиумлари ўтказилди⁶⁶. Журналистлар гуруҳи ва немис ижодий зиёлилари вакиллари ташаббуси билан Орол ҳақида ҳужжатли фильм олишга киришилди. Қорақалпоғистон болалар касалхоналарига дори-дармонлар ва тиббиёт ускуналари учун маблағ йиғиш ташкил қилинди ва бу ҳудудда сув тозалаш иншоотларини яратиш учун маблағ тўпланди.

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарканд давлат университетининг Гумбольдт номидаги ҳамда Бамберг ва Гёттинген шаҳарларидаги университетлар билан ҳамкорлиги самарали ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида немис миллатига мансуб 25 мингга яқин киши яшайди.

Италия Ўзбекистон суверенитетини тан олганидан сўнг иккала мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга киришилди. Италия «Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида» 1996 йил Флоренцияда имзоланган битим ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини яратди. Италия 1996 йил июнида ва 2000 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Италияга, 1997 йил майда Италия Президенти, 1997 йил сентябрда⁶⁷, Италия Бош вазирининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари якунида иқтисодий, маданий ва илмий соҳалардаги ҳамкорлик, иккиёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик, транспорт соҳасидаги ҳамкорлик, сайёҳликни ривожлантириш, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида муҳим битим ва шартномалар имзоланди.

⁶⁶ Ўша жойда.-Б.663

⁶⁷ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд. Т.: ЎМЭ, 2000.-Б.288

Италия раҳбарларига ҳамроҳ бўлиб келган савдо-саноат доираларининг намояндалари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти билан танишдилар ва ўзбек тадбиркорлари учун бизнес-семинар ўтказдилар. Мазкур тадбирларнинг самараси ўлароқ икки мамлакат ўртасида ўзаро мол етказиб бериш 1992 йилги 19 млн. 461 минг 800 доллардан 2000 йилда 112,8 млн. долларга етган. Италия Ўзбекистон билан товар айланмаси ҳажми жиҳатидан 10-ўринда, Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Германия ва Буюк Британиядан сўнг 3-ўринда туради⁶⁸.

Ўзбекистон Италияга пахта толаси, рангли металллар ва улардан ясалган буюмлар, ипак, ип газлама, калава ип ва бошқа маҳсулотлар сотса, Италиядан асбоб-ускуна, мебель, пластмасса, гушт ва балиқ маҳсулотлари, сариёғ ва ўсимлик ёғи, кийим-кечак каби маҳсулотларни сотиб олади. Савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш соҳасидаги қўшма тадбирлар фаол амалга оширилмоқда. Жумладан, 1994 йилда Италия Ташқи савдо институти ва Ташқи савдо уюшмаси раҳбар ва мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Наманган вилоятлари раҳбарлари билан амалий учрашув ўтказдилар. 1994 йил июнда Ўзбекистон вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари ҳокимларининг Италияга ташрифлари чоғида улар Италия савдо палаталари ва уюшмалари, саноат корхоналари раҳбарлари билан учрашдилар. Учрашувларда мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлаш, табиий тош қазиб олиш ва қайта ишлаш, тўқимачилик, олтинни қайта ишлаш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзаро ҳамкорликка Италия фирма ва компаниялари ғоят қизиқиб қарайди. Чунончи, Ўзбекистон ва Италия саёҳатчиларини ўзаро кутиб олиш, жўнатиш, уларга хизмат кўрсатиш соҳасида шартнома тузилган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўзаро қатновни йўлга қўйган.

⁶⁸ Ўша жойда. -Б.288

«Қорақалпоқ қурилиш материаллари» акциядорлик бирлашмаси «Педрини» фирмасидан мрамор тахтачалар ишлаб чиқарадиган линиялар ва «Равелли» фирмасидан табиий тошдан буюмлар ишлаб чиқарадиган технология линиялари сотиб олди «Текинт» компанияси билан «УзДЭ-УАвто» ўртасида енгил автомобиллар учун ясси ойна ишлаб чиқариш заводини қайта қуриш ҳақида битим тузилди.

«Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси нефть конларини қидириб топиш ва ишлатиш, турли технология асбоб-ускуналарини нефть ва газ корхоналарига келтириб ўрнатиш борасида италян фирмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, Шўртан, Кўкдумалоқ корхоналарида ноёб италян асбоб-ускуналари ўрнатилди. Шаҳрисабз, Ғазалкент консерва заводларида «Сасиб Фуд» фирмасининг томат пастасини янгича қадоқлайдиган линиялари ишга туширилди.

«Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясининг «Жефит С.Р.Л.» коннерни билан имзолаган битимига кўра тижорат, воситачилик, маркетинг, лизинг ишлари ўтказиб турилади.

«Ўзбекмебель» давлат акциядорлик бирлашмаси янги технология ва асбоб-ускуналар харид қилиш юзасидан Италия фирмалари билан яқин алоқа ўрнатган. 1994 йилда «Коста» фирмасидан паркет ва дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқарувчи технология линияси сотиб олинди. 1995 йилда «Ничем», «Фравол» фирмаларидан харид қилинган қурилмалар Ўзбекистондаги мебель фирмалари маҳсулотининг сифатини оширди, меҳнат унумдорлигини кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Ўзозиковқатсаноат», «Ўзэлтехсаноат» уюшмалари, «Ўзфармсаноат» концерни, «Еғмойтамакисаноат»⁶⁹ уюшмаси ҳам италян фирмалари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйган.

⁶⁹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд.Т.: ЎМЭ, 2000.-Б.289

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Италиянинг 14 банки билан вакиллик муносабати ўрнатган. Мазкур банклар Ўзбекистондаги кўпгина қурилишларга молиявий маблағ ажратган.

Ўзбекистон Республикасида итальян капитали иштирокидаги 49 та корхона ва Италия капитати 100% бўлган 5 та корхона рўйхатга олинган. Бу корхоналар алкогольсиз ичимликлар, вино, трикотаж маҳсулотлари, халк истеъмол моллари, музқаймоқ ишлаб чиқариш, пахта чиқитларини қайта ишлаш, савдо-сотиқ ва воситачилик ишлари билан шуғулланади Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳузурида 4 та итальян фирмасининг ваколатхоналари ҳам расмийлаштирилган.

Ўзбекистон билан Италия ўртасида маданий ва маърифий соҳаларда ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. 1997 йил майда Италия президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи вақтида маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақида имзоланган битим иккала мамлакат халқларининг тили ва адабиётини ўрганишга, олимлар ва тадқиқотчилар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, санъат, мусиқа, рақс, театр ва кино усталарининг ўзаро мулоқотларига, археология ҳамда бадиий меросни ўрганиш ва сақлаш соҳасидаги кўмаклашувга ёрдам беради.

1998 йил апрельда Тошкентда бўлиб ўтган замонавий мусиқа 3-фестивалида қатнашган итальян артистлари «Илҳом» театрида концертлар беришди ва консерваторияда намунали дарс ўтказишди. Шу йилнинг июнида А. Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида Ж. Вердининг «Риголетто» операси Себастьяно Мария Сальвато томонидан саҳналаштирилди, ноябрда А. Навоий номидаги театрда ўтказиладиган Верди фестивалида қатнашиш учун келган итальян хонандаси Нунции Сантодирокко «Риголетто» операсида Жилда ролини ижро этди.

Италия Ташқи ишлар вазирлиги итальян тили ва адабиётини ўрганувчи ўзбек талабаларига ўқув стипендиялари ажратган. Ўзбекистонлик 7 талаба Италия академия ва консерваторияларида таълим олди. Самарқанд чет тиллар

институти ва Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида итальян тилидан дарс бериш учун Италиядан малакали муаллимлар келишди.

1998 йил 13-27 майда Тошкентдаги Санъат музейида, 2-12 июнда Самарқанддаги чет тиллар институтида рассом Карло Карр асарлари кўргазмаси, шу йили 25-26 октябрда Бухорода, 31 октябрда Тошкентда итальян пианиночиси Померанцнинг концертлари бўлиб ўтди. 21-30 октябрда Миландаги Католик университети олимларидан иборат делегация Ўзбекистонда бўлдилар⁷⁰.

Ўзбекистон – Испания ўртасида XV асрдаёқ алоқа ўрнатилгани, 1404 йилда Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандга келгани ва Амир Темур салтанати ҳақида эсдаликлар ёзгани тарихдан маълум.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Испания билан савдо-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйила бошлади. Икки мамлакат расмий делегацияларининг ўзаро ташрифлари чоғида ҳамкорликнинг шартномавий-ҳукукий негизини яратувчи бир қанча ҳужжатлар келишиб олинди. Иккала мамлакатнинг савдо-иқтисодий алоқалари Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан муносабатлари доирасида ривожланди. Ўзаро товар айланмаси 2000 йилда 1999 йилга нисбатан 1,9 баравар ошди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Испанияга экспорти 20,1 млн., импорти 5,8 млн⁷¹. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Испанияга пахта толаси, газлама, калава ип экспорт қилса, ундан электротехника ва механика асбоб-ускуналари, дори-дармон, қора металллар, пластмасса, керамика маҳсулотлари сотиб олади. Испания компания ва фирмалари билан ҳамкорлик соҳасида Бухоро вилояти сув таъминоти тизимини такомиллаштиришга киришилди. 15 млн. евро қийматига эга бўлган бу лойиҳа Испания ҳукуматининг имтиёзли ва тижорат

⁷⁰ Ўша жойда.-Б.289

⁷¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд.Т.: ЎМЭ, 2000.-Б.227

кредити ҳисобидан амалга оширилди. «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси билан «Алтиери Виникола» фирмасы Ўзбекистонда вино ишлаб чиқарадиган «ЯНИС» қўшма корхонасини барпо этди. «Ўзфармсаноат» концерни билан Испаниянинг «Крупак» компанияси бинт ва жарроҳлик доқаси ишлаб чиқарадиган корхона барпо этиш учун 7,9 млн. евро миқдорида пул сарфлади. Ўзбекистон Республикасида Испания сармояси иштирокидаги 11 корхона ташкил этилди. Ўзбекистон ФА институтлари билан Испания Миллий тадқиқот кенгаши ўртасида қуёш энергиясини фотоэлектр усулида ўзгартириш, ярим ўтказгичли материалшунослик соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон тиллари университети Испаниянинг Гранада, Мадрид, Алкала де Энарес ва Малага университетлари билан ҳамкорлик ўрнатди. Тошкентдаги шу университетда испан тили ва маданияти маркази очилган. Гранада ва Бухоро университетларининг ҳамкорлик қилиши ҳақида келишиб олинди.

Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгач (1992), 1993 йил майдан Тошкентда Швейцария элчихонаси фаолият юрита бошлади. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида тузилган ҳукуматлараро битимга мувофиқ, икки мамлакат ўртасидаги савдода қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш тартиби белгиланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Швейцария ҳукуматлараро комиссияси ишламоқда. 2003 йилда икки томонлама товар айланмаси 217,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Республикасидан Швейцарияга пахта толаси, ип газлама, калава ип ва бошқалар экспорт қилинади. Швейцариядан электр ва механик жиҳозлар, фармацевтика маҳсулотлари кабилар келтирилади. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик туфайли Ўзбекистон Республикасида Швейцария сармояси иштирокида 77 корхона барпо этилган. Улар орасида 57 қўшма корхона, Швейцария сармояси 100% бўлган 20 корхона бор⁷². Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо

⁷² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 10-жилд. Т.: ЎМЭ, 2000.-Б.34

вазирлигида Швейцариянинг 33 фирма ва компанияси ваколатхоналари рўйхатга олинган. 1995 йилдан Тошкентда «Креди Свисс» банки ваколатхонаси ишламоқда. 1995 йил январдан Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Савдо кўргазма маркази фаолият кўрсатмоқда. 2002 йилдан Швейцария элчихонаси ҳузурида ҳамкорлик бўйича Швейцария бюроси ишламоқда. У ижтимоий – иқтисодий йўналиш бўйича биргаликдаги лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланади. Икки мамлакат ўртасида астрономия, физика, биофизика, генетика, биокимё, тарих, тиббиёт, экология бўйича илмий лойиҳалар ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Уни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий муассасалари, Ўзбекистон миллий университети, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Илмий ишлаб чиқариш маркази, шунингдек, Берн, Женева, Цюрих, Давос, Лозанна университетлари иштирок этмоқда. Самарканд университети билан Цюрих, Базелдаги университетлар ўртасида гуманитар ва табиий фанлар масалалари бўйича алоқалар йўлга қўйилган. 1999 йилдан Ўзбекистонда «Ўзбекистон-Швейцария» дўстлик жамияти ишламоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг маданий соҳадаги ривожига Ғарбий Европа мамлакатлари билан олиб борилаётган ҳамкорлик алоқалари кенг кўламли аҳамият касб этмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихининг муҳим масаларидан бири унинг ташқи дунё билан алоқалари, бу алоқаларнинг ривожланиб боришини ўрганишдир. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб боришининг мамлакатимиз иқтисодий – сиёсий ва маданий ҳаётидаги аҳамиятини очиқ бериш, бу жараённинг юксалиб бориш тамойилларини тадқиқ этиш тарих фанининг долзарб муаммоларидан биридир. Ўзбекистоннинг жаҳон интеграциясига қўшилиб бориши, бу соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар янада такомиллаштиришни, айти пайтда бу соҳада муайян даражада илмий асосланган дастурлар ишлаб чиқишни тоқазо этмоқда. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид фундаментал илмий тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Ана шу эҳтиёжларни талабларига кўра бир қанча тадқиқотлар амалга оширилди. Мазкур тадқиқот натижасида олинган илмий натижаларидан қуйидаги назарий хулосаларни чиқариш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга қўшилиб бориши, бу жараённинг мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий ва маданий юксалиш омили сифатида ўрганиш, уни тарихий илмий нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш, мазкур жараёнларни ижтимоий моҳиятини тўлақонли англашга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга қўшилиб бориш жараёнини комплекс-системали равишда ўрганишни тоқазо қилади.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан алоқаларини такомиллашиб бориш тамойилларини ҳамда бу алоқаларни мамлакат маданий тараққиётига таъсирини илмий таҳлил қилиш, бу алоқаларни тарихий нуқтаи назардан мунтазим ўрганиб бориш зарурлигини ва Ўзбекистонни энг янги тарихини ўрганишдаги асосий тадқиқот муаммоси сифатида белгилашни тоқазо этади.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг юксалиб бориш тенденцияларини ўрганиш ва бу юксалиб бориш заминида халқимизнинг тарихий-маданий ёдгорликларини жаҳон миқёсига олиб чиқиш ҳамда юртимиз тарихини жаҳон тарихидаги ўрнини очиб беришга хизмат қилади.

Тўртинчидан, Ўзбекистондаги Ғарбий Европа мамлакатларининг маданий ва ижтимоий-иқтисодий алоқаларини ўзига хослиги, нафақат тарихий зарурат балки, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш, моддий ва номоддий маданиятни сақлаш ва уларни халқимиз онгига сингдириш, шунингдек “Жаҳон хотираси” дастури асосида дунёдаги ноёб ҳужжатлар ва жаҳон маънавий меросидан кенг оммани фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш вазифаларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг БМТининг ихтисослашган муассасалари, Европа Иттифоқи ва бошқа ташкилотларнинг амалий дастурларини ҳаётга жорий этиш ва бу соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш воситаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги назарий хулосалардан келиб чиқиб, диссертация натижаларидан фойдаланиш бўйича қуйидаги амалий тавсиялар келиб чиқади:

- Ўзбекистоннинг БМТининг ихтисослашган муассасалари, Европа Иттифоқи ва бошқа ташкилотлар билан алоқаларининг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрнини илмий-назарий ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълимининг биринчи блок ижтимоий гуманитар фанлар тизимида махсус фан киритиш, бу мавзуда ўқув қўлланмалар ва монографиялар чоп этиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- Ўзбекистон ва Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида олиб борилаётган ҳамкорлик алоқалари ва уларнинг моҳиятини халқимиз

томонидан чуқур англашга хизмат қиладиган кўрик танловларни мунтазам ва босқичма-босқич ташкил этиш;

- Тарихчилар томонидан тарихий хотирани сақлашга хизмат қиладиган миллий қадриятларимизнинг асоси бўлган моддий ва номоддий маданиятни тиклаш ва тарғиб қилишга хизмат қиладиган маънавий-тарбиявий ишлар дастурини ишлаб чиқиш ва уларнинг савиясини ошириш;
- Мамлакатимиз иқтисодий ва маданий юксалишига бевосита хизмат қилувчи Ўзбекистоннинг БМТининг ихтисослашган муассасалари, Европа Иттифоқи ва шу каби ташкилотлар дастурлари асосида олиб борилаётган ишларни такомиллаштиришда Ўзбекистоннинг хизматларини ёритиб боровчи илмий-амлий конференциялар ўтказиш;
- Ўзбекистоннинг БМТининг ихтисослашган муассасалари, Европа Иттифоқи ташкилотлари дастурлари асосида олиб борилаётган ишлар ва уларнинг натижаларини жамият стратегик мақсадлари билан боғлиқлигини илмий ўрганишга хизмат қилувчи маълумотлар базасини яратиш лозим.

Бизнинг фикримизча мазкур магистрлик диссертацияси Ўзбекистон Республикасининг Ғарбий Европа мамлакатлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан замонавий иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳамкорлиги ривожланишидаги хизматларини тарихий илмий талқин қилишдаги илк қадамлардан бири бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992 й.
2. Каримов И.А. Президент И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон йўли – жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
5. Каримов И. А. Мақсадимиз – тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.- Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т., Ўзбекистон. 1996 йил.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000 йил

Давлат ҳужжатлари:

10. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Инсон ҳуқуқлари.- Т.: Ўзбекистон, 1997.
11. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам / Ўзбекча наشري – Тошкент: Адолат, 2004.

Даврий матбуот материаллари:

12. “Халқ сўзи” газетаси 1993 йил 1 ноябрь
13. “Халқ сўзи” газетаси 1995 йил 21 октябрь.
14. “Халқ сўзи” газетаси 1995 йил 8 ноябрь.

15. “Халқ сўзи” газетаси 2000 йил 12-сентябрь.
16. “Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 6 апрель.
17. “Ўзбекистон овози” газетаси 2001 йил 29 ноябрь.

Қўшимча адабиётлар:

18. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2003.
19. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.2-жилд.Т.: ЎМЭ, 2000.
20. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.4-жилд. Т.: ЎМЭ, 2000.
21. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.9-жилд.. -Т.: “ЎМЭ”, 2005.
22. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.10-жилд.Т.: ЎМЭ, 2000.
23. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Т.: “Шарқ”, 2000.
24. Давлат қурилиши ва бошқаруви. Муаллифлар жамоаси. - Т.: Академия, 2007.
25. Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи: (Миллий истиқлол даври) 3-китоб. – Т.: Шарқ, 2011.
26. Лафасов М. Жаҳон тарихи(1918-2010).-Т.:Турон-Иқбол, 2013
27. Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. –Т., 2003.
28. Рахимов М.А. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии.-Т.: 2011.
29. Саидов А. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат.- Т.: Ўзбекистон, 1994.
30. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври. - Т.: O'qituvchi, 2008.
31. Фармонов Р. Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиши ва Ғарб тажрибаси.-Т.: ТДПУ, 2004.
32. Гаффоров Я., Холлиев А. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.-Т.: 2003.

33. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва саноат нашриёти, 2001.
34. Ўзбекистон Жаҳон Ҳамжамияти сафида. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва саноат нашриёти, 2000.

Электрон манбалар:


35. www.gov.uz – O'zbekiston Respublikasi hukumati portali.
36. www.un.org – Birlashgan Millatlar Tashkiloti veb-sahifasi
37. www.tashkent.unesco.org – BMTning Ta'lim, fan va madaniyat bo'yicha tashkiloti veb-sahifasi
38. www.mfa.uz – O'zbekiston Respublikasi Tashqi Ishlar Vazirligi veb-sahifasi
39. www.ambafrance-uz.org – O'zbekiston-Fransiya elchixonasi veb-sahifasi
40. www.gazeta.uz – Axborot sayti

ИЛОВАЛАР



ЕИ-Ўзбекистон: ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлида (Тошкент 2013 йил)

**EU PAYMENTS TO CENTRAL ASIA, 2007–12
BY COUNTRY AND FOR THE REGION
(IN MILLION EURO AND PERCENTAGE)**



2007-2012 йилларда ЕИнинг Марказий Осиё мамлакатларига киритаётган капитали



Б.Британия-Ўзбекистон “Англашув меморандуми” (Лондон 2010 йил)



Франция Республикасида Ўзбекистон санъати кунлари (Париж 2012 йил)